

XXI ASR – INTELLEKTUAL, BARKAMOL YOSHLAR ASRI

Yosh Kuch

Ижтимоий адабий-бадий журнал



2005 № 3 (268)



Салом Наврӯз
Салом йил боши

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази

Бош муҳаррир:**Юсуф ЖҲРАЕВ**

Бекзод Абдуназаров
(Масъул котиб),
Ҳамза Ёкубов,
Шаҳноза Солиҳова
Ростислав Есауленко
(Дизайнер)
Фахриддин Зиёрхўжаев
(Матн терувчи)

Жамоатчилик Кенгаши:

Нормурод Нарзуллаев
Худойберди Тўхтабоев
Хуршид Дўстмуҳаммад
Қаҳрамон Қуранбоев
Рустам Аҳлиддинов
Жуманазар Хусанов
Фарҳод Рўзиев
Абдулазиз Абдуқаҳҳоров
Эркин Абдурахмонов
Сирожиiddин Саййид
Азиз Саид
Рустам Қосимов
Ҳалима Худойбердиева
Муслиҳиддин Муҳиддинов
Назар Ҳаким

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот Агентлигида 006 рақам билан рўйхатга олинган.

«Yoshlar matbuoti»

босмаҳонасида чоп этилди.

№ 58 - буюртма.

Манзил: Тошкент ш. Чилонзор-8, Қатортол-60.

Журналдан кўчириб босилганда «Yosh kuch»дан олингани кўрсатилиши шарт.

Реклама материалларидаги маълумотларнинг

ҳаққонийлиги учун тахририят масъул эмас.

10.03.2005 йилда босишга рухсат этилди.

14.03.2005 йилда босмаҳонага топширилди.

Фин қоғози. Бичими 84x60 1/8.

Босма табоғи 4.00.

Тиражи 16500.

Баҳоси сотувда эркин нарҳда.

Тарғибот марказларимиз манзиллари:

Водий бўйича Андижон шаҳри,

Ўктам Умрзоқов. Тел.: (3742) 243404.

Навоий вилояти Навоий шаҳри,

Моҳира Шокирова. Тел.: (43622) 44800.

Хоразм вилояти Урганч шаҳри,

Ўғилжон Авазметова.

Тел.: (36222) 62662.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани,

Холмуҳаммад Тоғаймуродов.

Тел.: (37643) 21257.

Ushbu sonda

Салом Наврўз, салом йил боши 2-3

Ширин ташвишлар? 4-5

Сеними, шошмай тур 6-7

Қизлар мушоираси 8-9

Янги овоз соҳибаси 10-11

«Ёш куч»га мактублар 12-13

Тип-топ шоу ва яна ёшлар 15-18

Саломатлик сирини 21

Шоҳсуга сарини йўл 22-23

Юлдузлари олис осмон 24-25

Оқолтинликларга матбуот

керакми? 26

Йўлка четидаги гул 28-29

Футбол файласуфлари 31

Яна баҳор бошланди, дўСТИМ

Ўлкам узра ажиб тароват кезинади. Шифтларда осилиб турган кумуш сумалаклар биллур томчилар ҳады этади заминга. Айвонлардан ўзига жой ҳозирлашга интилаётган қалдирғоч чуғурида ҳаёт қўшиғи янграйди. Қишдан омон чиққан мусичалар кукулашиб жуфти-ҳалолларини қутлашади баҳор билан. Ариқлар лабида кўклаган кўкатлар кўзларга нур бағишлайди. Баҳор билан қутлайди борлиқни. Қандай гўзал, қандай дилхуш дамлар ҳады этади бу фасл.



Сизнинг севимли журналингиз «Ёш куч» таҳририяти ҳам барча опа-сингилларимизни, оналаримизни аввало, 8-март халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади. Қолаверса, юртимизга ташриф буюраётган баҳорги тенг кунлик, Наврўз айёми барчангизнинг хонадонингизга қут-барака, тўкин-сочинлик олиб келсин. Дала бошида марзага кетмон санчаётган деҳқоннинг ишига барака берсин, турли мевали дарахтларини хушбичим шаклга келтираётган боғбон ҳосилини мўл қилсин, жажжигина кўзичоқларига термулиб, кўзларида қувонч ёши милтираётган чўпон-чўлиқлар ота-

ри кам бўлмасин, Азиз муштарий, энг асосийси, сизнинг ўқиш ишларингизга ривож тилаймиз, мамлакатимиз равнақи, ўта ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида етук кадрлар бўлиб вояга етишингизни жуда-жуда истаймиз. Мана, бу йил «Сиҳат-саломатлик йили», деб аталди, бу ҳам сизнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб камол топишингизда муҳим маъно касб этади. Сизнинг илм чўққиларини эгаллашингиз, касб сирларини ўрганишингиз учуни яратилган шарт-шароитлар дунёнинг мана-ман деган давлатларида ҳам йўқ. Иқтидорли, салоҳиятли, истеъдодли ёшлар

учун дунё эшиклари очилди, Ўзбекистоннинг шаънини бутун оламга ёйишга имкон яратилди. Мана шундай жаннатмакон юрт фарзандлари эканлигимиз бизнинг бахтимиз. Ватанга садоқатли, фидойи ўғлонлар бўлиш бурчимиз. Шундай экан, «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш» барчамизга насиб этсин.

Баҳор — орзулар фасли. Сизнинг ҳам кўнглингизда олам-олам орзулар мужассам. Унга эришмоқ учун интилмоқ кераклигини яхши биласиз. Ҳаётнинг паст-баланд давонларидан қоқилмай-суринмай ошиб ўтиб, ўз орзу-истакларингизга етишингизга биз тилақдошмиз. Ватан сизга ишонади, албатта, сиз Ватанга суянч бўласиз!



САЛОМ НАВРЎЗ, САЛОМ ЙИЛБОШИ

Кўклам, бу сўзнинг замирида олам олам маъно мужассам. Кўкламга келиб борлиқ қайта кўз очади. Атроф уйғонади. Қалбларга ёшлик, жўшқинлик шижоати қайтади. Кўнгил орзу-ҳаваслар кучоғида тўлғанади. Қишнинг оппоқ кўрпасини йиртиб, кўёшга салом берган бойчечаклар кўзларни қувнатади. Туятоппан, чучмомалар кўкламни қутлаб алёр айтади. Беихтиёр жўр бўлиб кўшиқ айтгинг келади. Миттигина майсачалар яшил найзаси-ла тупроқни ёриб кўкка интилади. Қоқигул пиндик отади. Кўклам дилларга ҳузур бахш этади.

Бободехқон елкасига кетмонини ташлаб даласи сари одимлар экан, юраги яратиш ишқи билан ёнади. Кафтига бир сиқим тупроқни олиб, меҳр тўла нигоҳини қадайдди. Ўз фарзандидек суйиб кўяди. Оддий лаҳзалардек туйилган дақиқалар қадри беқиёс эканлигини деҳқон тугал англайдди. Экадиган уруғию оладиган ҳосилини чамалайдди у. Ўзбек, ўтирган жойини боғ-роғ қилмаса кўнгли тинчимайдиган ўзбек. Унинг яна бир фазилати шундаки, қайси кунни, қачон байрам қилишни яхши билади. Наврўз шунчаки байрам қилинмайди, табиат инъомига қалб кури сингдирилади. Яшариш фақатгина бўйга етган қизларнинг атлас кўйлақда, сочлари майда-майда ўрилган, ибоси ўзига ярашган кўйда йилбошига чиқиб, ўзига муносиб жуфти-ҳалол танлашида эмас, момоларнинг, боболарнинг қалбида ҳам ўзгача тароват касб этади. Эзгу меҳр тўла нигоҳларига олам жойлашади. Уфққа теран қадалган кўзлар болаликни ахтариб қолади. Қир-

адирларни қоплаган қизғалдоқлар яшилликка ўт-олов, жўшқин эҳтирос ҳадя этади гуё. Болаларни айтмайсизми, “кулоқ чўзма”, “чиллик”, “оқ терак”, “сўкичак”, “қушим боши” каби азалий ўйинларни зўр иштиёқ билан ўйнашади. Фолибларга аталган ширинликларга эга бўлгиси келади. Айниқса, биринчи бўлиш барибир яхшида. Отқулоқ тераётган қўллар майинлашиб қолгандек, майсазор орасидан исмалоқни авайлаб узаётган қўллар она Ер бошини силаётгандек туйилади. Эҳ, пиданалар, ялпизлар исини айтмайсизми, далаларни беғубор кулгуси ила тўлдирган ёш-ялангни жаннат ифорига тўйинтиради. Қишнинг қировли кунларидан эсон-омон чиққан вужуд толиқишига жон бахш этувчи кўкатлар ўзбек заминиде бисёр.

Кўклам, митти-митти майсачалар кўкрак қафасида кўклайди гуё. Майин шабадада тебранаётган толпоқлар заминни беланчагига солиб тебратаётгандек туйилади. Ҳисор тоғининг қорли чўққиларидек кела-



диган оппоқ булутлар ортидан илиқгина нур сочаётган кۈеш жон бағишлайди беланчакка. Фалак жаннати, дунё борлигини кۈз-кۈз қилади наврўзда. Камондек қошлар, ёниқ кۈзлар, ой каби юзлар буй кўрсатади заминда. Лолаларнинг кўксида буртиб турган доғда ишқ оташининг асл куйқаси мужассам. Наврўз шунчаки йилбоши эмас, фасллар адоғида губорлаган дилларни мусаффо этадиган кун. Айнан ўша кун тун билан кун бўйлашади. Баробарлашади.

Қишлоқ аҳли топганини белқарсга ташлаб дошқозон осар экан, бирибирига ҳалимдек юмшоқ кўнгил бўлайлик деб ният қилиб ҳалим пиширади. Барчасининг ризқи битта заминдан эканига имон келтиради. Аҳли маҳалла бирлашганда миллат шаклланишини билади ўзбек. Аразлаганлар яраш оши қилади наврўзда. Деҳқон дала бошига келиб кетмон урмайди тупроққа, аввал кетмонни ёнига кўйиб: "Эл-юртим тинч, дастурхоним тўкин, ризқим мўл, рўзгорим бут бўлсин", деб дуо қилади, ер эгалари — руҳи поклардан мадад сўрайди. Наврўз ана шуниси билан ҳам тароватли-да.

Бибилар эсланади, ўзлик эсланади сумалак пишаётганида. Қозон атрофида капгир тутиб, сумалак кўзгашга навбат кутаётганлар қалбида савоб умиди бор. Ахир бу сумалақдан кўни-кўшни, эл-улус тотинади-да. Айниқса, ёш-ялангнинг алёв қўшиқларини жўшиб айтаётганини, баҳру-байт айтишувларини кўриб улўғ бир миллатнинг вакили эканлигиндан фахрланиб кетасан. Эртаси-

га далада кетмон чопаетганини кўриб бу йигит-қизлар янғроқ овозли, ўткир зеҳнли эканлигига тасаннолар айтасан.

Кўклам нақадар ажойиб фасл. Табиат баробарида уст-бош янгиланади. Кўнгил тозарари. Қалб теранлашади. Курт-қумурсқалар, довдарахтлар, ёввойи ўтлар кўзингга суйимли кўринади. Барчага меҳр улашгинг келади. Ўзинг одимлаётган заминни тугал бўлишини истаб қоласан. Қачон ва қайси кунни байрам қилишни билади ўзбек. Яна бу кунни Наврўзой деб эркалаб кўяди.

Ташрифига интиқ яшайди. Йўл қарайди, кун санайди.

Ана Наврўзой ташриф буюрмоқда ўлкамга. Карнайгул ошиқади саломга. Уятдан қизарган атиргул қимтиниб пиндик ёради. Садарайхонлар йўлига поёндоз тўшайди. Оч сариқ, пушти, оқ тусда очилган Кўқонгуллар сочларидан жой ахатарари ўзига. Гулибеор эса чиройини кўз-кўз этади ҳаммага. Беихтиёр ўзбек яшайди бу заминда дейсан. Наврўзойга қараб таъзим қиласан — Салом наврўз, салом йилбоши.

Юсуф ЖўРАЕВ



ШИРИН ТАШВИШЛАР!




Ҳар йили баҳорни соғиниб, антикиб кутамиз. Қиш эса ҳеч қўрпасини кўтарай демайди. Кузатган бўлсангиз, йилдан-йилга қор ёғиши камайиб, бизлар учун қор тансиқ неъмат бўлиб қолаётган эди. Бу йил эса болажонлар, айниқса, мазза қилишди. Балки шундан бўлса керак, бозорларда сотувчи билан олувчи ўртасидаги олди-соттиларда бот-бот ушбу гапларни эшитиб қолдим: “Қўрқмасдан олаверинг, бу йил қиш қаттиқ бўлади”. Айтганларидек, бу йил бетиним қор ёғди, ёққанда ҳам беармон ёғди. Ҳатто феврал ойининг охириларида ҳам қаҳратон қишнинг гувоҳи бўлдик.

Мана катталарнинг шукронаси-ю, болажонларнинг кувончи билан қишдан ҳам эсон-омон, бағри бутунликда чиқиб олдик. Бу ёғи эса қисқа тунлар, узун кунлар. Асосийси, баҳорга чиқдик. Баҳор — гўзаллик фасли, уйғониш фасли, яшариш фасли. Қандай яхши. Баҳор ҳақида ёзаяпману нима учундир юрагим хапқириб кетаяпти.

Атрофни кузатдим... Боягина тилла кокилларини кўз-кўз қилиб тоғ ортидан қуёш кўтарилаётган эди. Ҳозир эса ҳаво булут. Ёмғир иси келяпти. Атрофда эса майин баҳор шабадаси эсмоқда. Бундай ҳавода қизларнинг соч турмаклари бузилмай туриши амри-маҳол. Ху-ув, ана бекатда турган қизнинг бошидаги чиройли шляпасини шамол учириб кетди. Ўша қизга қараб кетаётган эдим ўзимни ҳам кулгили аҳволга солиб қўйишди.

Тушунмадингиз-а? Узоқдан келаётган “Матиз” автомашинаси кўлмак сувни уст-



бошимга сачратиб ўтиб кетди. Ҳам кулгли, ҳам аянчли аҳволда қолдим. Аввалига, эшитмаса ҳам ҳайдовчини роса “шин” сўзларим билан сийладим, кейин ўйлаб қарасам, хафа бўлишим мутлақо ноўрин экан. Ахир ҳозир баҳор-ку. Билдимки, бундай вазиятларнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Баҳор шундай фавқуллодда ҳолатларга тўла бўлганлиги учун ҳам севимли бўлса керак. Кўчаларда, бозорларда одамлар гавжум. Кўчат бозорларини эътироф этмай иложим йўқ. Гўзалликпарастларнинг барини ўша ердан топасиз.

— Кеб қолинглар, гул кўчатларидан об қолинглар.

— Илтимос акажон, менга райҳон кўчатидан икки боғ беринг...

— Менга гул кўчати керак, қайси нави чиройли очилади?..

— Шошмай тулинг. Олдин мен айтган дарахт кўчатларини саралаб берсинлар, навбат биланда, ука!..

Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмаяпти.

Одамларнинг кўзида гўзалликка, яратувчанликка бўлган ташналик, келажакка бўлган ишонч шу кунларда янада ортган. Табиийки, бу сифатларнинг барчаси баҳор келганидан далолатдир. Баҳор келганини борлиқнинг яшилликка бурканганидан, кушларнинг чуғури-ю, зилол сувларнинг шилдирашидан биламиз. Йигитлар эса баҳор келганини қизларнинг ранг-баранг либосларидан билишади. Ҳа-да! Баҳорги либос ташвишлари билан бозорларни тўлдириб юрган қизлар камми? Йўқ, деб ҳам кўринг-чи!

Баҳор—қизлар—гўзаллик. Бу учлик доимо бир-бирини тўлдириб туради. Баҳорни кўпроқ қизлар яхши кўради. Айниқса, март ойини, нима учун дейсизми? Март ойида кун билан тун тенглашади. Фасллар келинчаги баҳор табиатни гулларга буркайди. Яшириб нима қилдим. Келинг, очиғини айта қолай. Март ойида 8-март халқаро хотин-қизлар байрами ҳам бор.

Ҳа, мана энди ишондингиз-а. Қизлар учун бу қўшалок байрам. Шоирларимиз уларни гулга ўхшатади. Баҳорга қиёслайди. Бу бежиз эмас, албатта. Балки шу боис ҳам бу байрам катта тантана билан нишонланади. 5-мартдан бошлаб кўчаларда гул кўтарган совға кўтарган йигитларни, эркакларни кўриб, кўзлар кувониб кетади. Бу гул, бу совғанинг эгаси борлигини билсак ҳам, кунглимиз тоғдек кўтарилади.

Биз қизлар, аёллар байрамдан қандай совға кутишимиз ҳаммага маълум. Биз эса байрам куни совға улашувчи қорбобога айланадиган йигитларнинг байрам олди ҳолатлари ҳақида қизиқиб кўрдик.

Сиз ҳам бир тинглаб кўринг-а!

Раимқул Суяров, талаба:

—Биласизми, бу байрам мен учун бироз ноқулайлик келтириб чиқариши мумкин. Бу кун инсон ҳаётида бир марталик эмас, ҳар йили такрорланаверади. Ҳамиша моддий жиҳатдан етарлича имкониятим бўлавермайди. Пул бўлмаган ҳолда ҳеч тортинмасдан арзонгина совға олиб қўя қоламан. Қарз олишни ёқтирмаганим учун ҳеч ҳам қарз олмайман ва кичик совға беришдан ҳам тортиниб ўтирмайман. Борида катта совға, йўғида кичик совға бўлаверади.

С.Норбоев, талаба:

—Бу байрам мен учун қувончли, лекин чўнтагим учун анча аянчли. Бу эса мушкул вазиятни юзага келтиради. Бу вазиятдан чиқиб кетишим учун икки баробар ўқишим керак. (Стипендия олишим учун). Шуниси аниқки, ҳар қандай вазиятда мен учун дил фариштаси бўлган “У”га ёқтирган нарсасини ва ўзимни совға қиламан.

А.Темурбеков:

—Менга 8-март байрами жуда ёқади. Чунки мен совғага пул жамғаришим учун январ ойидан бошлаб қаттиқ ишлай бошлайман. Қарабсизки, ҳам совға бераман, ҳам ота-онамдан яхши меҳнат қилганим учун рағбат эшитаман. Қисқа қилиб айтганда, 8-март бай-



рами менга дангасалиқдан қутулишга ёрдам беради.

К.Зияходжаев, сотувчи:

—Мен совғалар дўконида сотувчи бўлиб ишлайман. Шунинг учун байрамларда ҳеч ноқулай вазиятга тушмаганман. Айрим йигитлар севган қизлари билан айнан байрам арафасида аразлашиб қолишади. Қарабсизки, байрам куни йигитдан дарак йўқ. Менимча, бу совға бермаслиқнинг бир йўли бўлса керак. Ахир совғанинг катта кичиги бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда йигитлар байрам куни икки оғиз ширин сўз билан опа-сингилларини табриқлашлари шарт, деб биламан.

Йигитларнинг байрам арафасидаги фикр-ўйлари билан қизиқар эканман, куйидагича хулоса қилгим келди.

Совға қандай бўлишидан қатъий назар, муҳими — эътибор. Ўзини ҳурмат қилган инсон эса эътибор тушунчасининг қандай маъно касб этишини жуда яхши билади!

Шаҳноза Солиҳова тайёрлади

ЁКИ МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОН ТУЙҒУСИ



Бир неча ой аввал жуда такоммиллашиб бораётган интернет тармоғи орқали ўзимга e-mail почта хизматини очмоқчи бўлдим. Маълумки, электрон почта ҳосил қилаётганда бу хизматдан фойдаланиш учун компьютер мижоздан бир неча саволларга жавоб сўрайди. Яъни, исми шарифи, туғилган йили ҳамда махсус сирли рақамни киритишни тақлиф қилади. Зарур маълумотлар киритилгач ақлли компьютер сиздан “агарда киритган сирли рақамингиз эсдан чиқиб қолса” почта хизматидан фойдаланишингиз учун бошқа бир калит сўзни ёзишни сўрайди. Бунинг учун бир неча ўрнакларни сизга ҳавола қилади. Мен ўрнакларни кўздан кечири бошладим. Буларнинг бошида “болаликдаги қаҳрамонингиз ким?” — деган савол турарди. Мен беихтиёр болаликда эшитган эртагу ҳикоялар ва албатта, кўрган мультфильмларимни эслай бошладим. Менга энг ёққан мультфильмлар “Сеними, шошмай тур”, “Золушка”, “Буратино”, “Маугли” ва ҳақозо. Ўйлаб-ўйлаб охири “Маугли”ни танладим. Демак, “Маугли” мени болалик руҳиятимга яхши ўрнашиб, менда завқли таассурот қолдирган...

Бу мавзуни бошлашимдан асосий мақсад ҳозирда ўсиб, улғаяётган болаларга “Мультфильмдаги қаҳрамонларинг ким?” десангиз, улар нима деб жавоб берган бўларди, ҳеч иккиланмай “Шрек”, “Том ва жерри”, “Микки маус”, “Қирол шер” ва шунга ўхшаш бир қанча чет эл мультфильмлари қаҳрамонларини санаб чиқиши табиий ҳол. Демак, улар Фарб мультфильмларини кўриб катта бўлишяпти. Кўпчилик бундан таажжубланмайди ҳам.



СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР

Менимча, бу ажабланарли ҳол. Ахир, болакайларимиз тарихимиз, урф-одатимиз, миллатимизга умуман ёт бўлган, ҳатто баъзи бир мультфильмлардаги миллий анъаналаримизга тамомила зид келадиган образларни ўзлари учун қаҳрамон, деб билмоқдалар. Бир фараз қилайлик, ўғлимиз ёки қизимиздан “қандай мультфильм қаҳрамонларини биласан, қайсилари сенга ёқади”, деб сўрасак, улар “Алпомиш”, “Паҳлавон Маҳмуд”, “Тўмарис” деб жавоб беришса, айтинг-чи, биз бундай жавоблардан севиначиликми, йўқми? Албатта, бошимиз кўкка етган бўларди. “Менинг зурриёдим ўз тарихи, ўтмиши, ҳамда миллат қаҳрамонларини болалик чоғиданоқ танимоқда. Уларда миллат ва ватанга бўлган садоқат ҳисси аста секин уйғонмоқда”, деймиш.

Ёки айнан бир тарихий шахсни тасвирловчи мультфильмлар бўлмай, миллий байрамларимизни тасвирловчи мультфильмлар яратилса қандай яхши. Айтинг-чи, қайси мультфильмда наврўз байрами-ю, унда сумалак пишириляётгани, болажонлар сумалак учун тош териб юришгани, уйқулари келиб момолари тиззасида ухлаб қолганлари-ю, эрталаб бувижонлари набирасига сумалак ялатётгани ҳақидаги кўринишни биламиз. Аксинча, бунинг ўрнига мутлақо ўзбекча бўлмаган исмларни ҳамда бўтқа пишириляётган жараёнлар тасвирланган мультфильмларни яхши эслаймиз. Менинг назаримда, республикамизда ҳали болалар мультфильмлари учун мақтагулик тарзда аниқ бир саъи-ҳаракат қилинмади. Телевидениеда берилляётган аксари-



ят мультфильмлар Россия ёки АҚШ кино ижодкорлари яратган фильмлар, халос. Агар телевизорда “Том ва жерри” берилиб қолса, болалар қаҳрамонини дарров танишади ва мириқиб томоша қилади.

Мен бу билан чет эл мультфильмларини болаларимизга кўрсатишни таъқиқламоқчи эмасман. Тўғри, ҳозирда дунё сарҳадларига кенг йўл очилляётган бир замонда ёш авлод такомиллашиб бораётган нарсалардан воқиф бўлишлари лозим. Лекин, унутмайликки, улар ўз миллий, тарихий анъаналаримиз билан бир вақтда ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мультфильм бола руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатиб, ижобий ҳамда салбий таассуротлар қолдиради. Жумладан, ўғил болалар мультфильмлардаги жасурлик, кўрқмаслик, қизалоқлар эса саранжом-саришталик, чиройлилик акс этган қаҳрамонларга ўхшагилари келади. Ҳатто руҳшунослар болалар туш кўраётганда катталардек ҳаракатларда эмас, балки уни айнан мультфильмга ўхшаш сурат тарзида кўради, деб эътироф қилишган.

Нима бизнинг миллий қаҳрамонларимизда жасурлик, мардлик, ифбат ва гўзаллик тимсоллари йўқми?! Ёки кенг водийларда қўй-қўзилар, сайроқи кушлару чаманзорларни намоён қилиб берадиган манзаралар йўқми. Албатта, бор! Биргина халқимизнинг Алпомиш достонида буларнинг ҳаммаси мужассам-ку! Ҳар қанча жасур бўлишда, садоқат ва ор номусда Алпомиш ва Ойбарчин кўринишининг ўзи етарли деб ўйлайман. Нега айнан мард ва кўрқмас деб “Маугли”ни, чиройли ва гўзал деб “Золушка”ни мисол қилишимиз керак. Нега энди улар “ойижон ана қўзичоқ ёки тойчоқ” деб эмас, балки ана “чўчқача” деб бизларга телевизорни кўрсатишлари керак. Агарда ўзимизнинг миллий лигимизга доир мультфильмлар яратишга ҳаракат қилсак улғайиб келляётган болалар онгида, албатта, “буюк миллат” деган тушунча орта боради. Улар тари-



хий қаҳрамонларимиз қатори қир-адир, водийларимиз гўзалликларини, умуман олганда, ватанимиз сарҳадларини аста-секин ўргана бошлади. Яқинда бўлиб ўткан бир воқеа эсимга тушди. Бир куни болалар учун тайёрланган “Фотиҳ султон Маҳмат” номли турк мультфильми видео кассетаси кўлимга тушиб қолди. Уни жиянларим билан томоша қилдим. Унда турк султони “Маҳмат Фотиҳ”нинг Истамбул фатҳи учун кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида баён этилган. Мультфильм ҳақиқатан жуда ажойиб ишланган. Айнан болалар руҳиятига мос тарзда тасвирланган. Унда ватан учун курашляётган аскарларнинг фидойилиги, улкан тепаликлардан сакраб учиб ўтаётган ҳайбатли отлар жуда яхши намоён қилинган. Болакайлар уни мазза қилиб томоша қилишди. Ва табиийки, қаҳрамони ким эканинию ким билан жанг қилляётгани ҳақида мультфильм давомида мени тинмай сўроқлаб туришди. Мультфильм тугагач жиянларимдан бири “мен ҳам султон Маҳмат бўламан”, деб болаларча ғурурланиб қўйди. Кўриб турганингиздек, бола бундан таъсирланди. Унинг тасаввурида “қаҳрамон Маҳмат” деган сурат гавдаланди. Агарда бизда ҳам болакайларга доир шундай мультфильмлар етарлича яратилганда фарзандларимизнинг “Паҳлавон Маҳмуд бўламан”, “Жалолоддин Мангуберди бўламан”, дейишлари эҳтимолдан холи эмас эди.

Сардорхон Жаҳонгир

Менинг оловларим сўнмаган ёшда . . .



СЕНИНГ КЎЗЛАРИНГ...

Кўзимга тўкилиб келар хиёбон,
Хайрлашмоқ оғир сўнги йўлақда.
Ғамларга кўмилиб кетасан шу он,
Мен эса қоламан хазон кўйлақда.
Юрагимга ботган кипригинг аро
Кўксимга тўкилар синиқ илинжлар.
Яна дийдорингга етгунимча то
Сочимда оқариб кетар соғинчлар.
Ям-яшил ғамларга ўранган бекат —
Юрагимдан ўтар автоуловлар.
Барча ўлимларнинг ичидан кечиб,
Сенинг кўзларингда яшагим келар...
Исмингни ёзаман тонгда Куёшга,
Тунда тўлғонаман гуллардек беҳуш.
Менинг оловларим сўнмаган ёшда,
Сенинг кўзларинг туш... киприklarинг
туш...
Тутқин куш сингари бандилиқда дил,
Бунча хаёлларинг осмонлар қадар.
Юраман — қаршимда ёлғиз оёқ йўл,
Хазон ёлғизига кўмилган шахар.

ДЎСТЛАРИМГА

Бориб айтинг, йиғламасин онагинам,
Тонглар менинг кучоғимда кўзим ёрар.
Осилгандим ташлаб кетди поездлар ҳам,
Кўзларимда сўнги вагон сўниб борар.
Бориб айтинг, йиғламасин онагинам,
Киприклари тўкилса гар куймас фалак
Мен йиғлайман, онам куяр, ёнар олам,
Не қилайин жоним ҳалак, жонинг ҳалак.
Дунё — Машраб бўғзидаги бир дод экан,
Тушларимда чайқалади дорлари жим.
Дунёлари маккор экан, жаллод экан,
Мен билмасдан юрагимни бериб кўйдим.
Суйиб кўйдим, куйиб кўйдим ёр ишқида,
Уммонидан бир томчи ишқ сўраяпман.
Қайтмайман деб кетган эдим эшигидан,
Бошим уриб ўзим қайтиб бораяпман.
Мен ўзимни топгандекман озоридан,
Ҳасратларга кўмилади кетар йўлим.
Савдолари қизиган қиз бозорида
Юрагимни бир чақага олмас ҳеч ким.
Шамол каби ҳайқириқлар кетди бекор,
Орта қайтмай она сизни адо қилдим.
Шу кетишда кетар бўлдим мен гуноҳдор,
Билиб туриб минг биринчи хато қилдим.
Бориб айтинг йиғламасин онагинам,
Бир нур бўлиб қайтажакман рўёлардан.
Ё, ботарман юрагида эримас ғам,
Чиқиб кетдим ўзим қурган дунёлардан.
Айтилмаган сўзларимни айтаяпман,
Давраларнинг гули бўлиб тонгда юрдим.
Тун бағринга ёмғир бўлиб қайтаяпман,
Ахир мен ҳам одам эдим, одам эдим...
Бориб айтинг, йиғламасин онагинам.

БЕДОРЛИК

Мен сизни жудаям соғиниб кетдим,
Милён йил кўксимда қон кечар юрак.
Йўлингизни тусган дарахтдек кутдим,
Дарчамда осилди бир қора кўйлақ.
Афсунгар тун каби ётади ҳийла,
Паришон сочингиз туманларида.
Сиз менинг кўксим—биринчи қибла,
Урмининг поёнсиз уммонларида.
Ойдин тун кўйида кўнгул тўлмасми?
Нурларга чирмашиб ойдек ботмасак?
Жимгина яшамоқ гуноҳ бўлмасми?
Олов фаслимизда олов отмасак?!
Кетаман, самода қолади изим,
Эшикни очингиз, нурларга тўлгай.
Мен баридан кечиб келдим азизим,
Нима бўлсам бўлай сизники бўлай.

Қон кечиб келаман хазонлар аро,
Осмон ҳам тўкилиб борар тобора.
Иккимиздан қолар битта хотира,
Битта йўл... битта ишқ... битта хароба...
Сизни менга мени сизга қаратди,
Юрсак ҳам юрагимиз минг йил юракка.
Тангри иккимизни бирга яратди,
Топишаверамиз ердами, кўқда.
Жонимиз тутамиз келган селларга,
Дунёга ишқимиз исён солдими?
Ҳаёт деб киргандек олов йилларга,
Биз кўрмаган бирор ўлим қолдими?
Кечсам ҳам ўзимдан кечавераман,
Кўчамдан насимдек ўтаверасиз.
Ер, кўкка сиғмаган ой каби ботсам,
Кўксимда тонг бўлиб отаверасиз.

Тангри иккимизни бирга яратди...

Адиба Умирова

МУАЛЛИМ

Мактабга борганимда
Кутиб олган ўзингиз,
Яхши ўқисин деган
Муаллимим ўзингиз.
Мактаб олий даргоҳдир,
Деб ўқтирар эдингиз.
Яхши ўқисин деган
Муаллимим ўзингиз.

**Зарнигор Абдумаликова,
Чуст тумани**

ТАЪЗИМ

Осмонулар тоғларнинг ҳаққи,
Жаннатмакон боғларнинг ҳаққи,
Хушнуд ўтган дамларим ҳаққи,
Сенга таъзимдаман Ватаним.

Келажинг нурафшон бўлсин,
Осмониимиз нурларга тўлсин,
Босган изим чаманзор бўлди,
Сенга таъзимдаман Ватаним.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон порлайверсин куёшинг,
Тиллога тенг бўлди тупроғинг-тошинг.
Жаннатмакон юртим —Ватаним,
Сенга фидо бўлсин жон ила таним!
Истиқлолга эришдинг халқим,
Адолат деб курашган халқим,
Иймони пок, бардошли халқим,
Мустақиллик абадий бўлсин!

**Жамила Ҳайдарова,
Самарқанд вилояти
Пастдарғом туманидаги
107-мактаб ходимаси**



МЕН ЗАЙНАБ...

Рашклар юрагимга зўр исён солди,
Дилимда адоват куртаклаб қолди.
Айбим ёлғиз, бегим, ортиқ суйганим,
Мен ҳам ахир бахтни излаб куйгандим.
Сизсиз кечаларда ёниб, тўлғондим,
Тонгда номингизни айтиб уйғондим.
Мен Зайнаб, қалбида бир армон туйган,
Қайғу саҳросида ёлғиз мен куйган.
Мен Зайнаб... юраги ғамдан тўкилган,
Қалб гуллари чоқдан сукилган.
Гулларнинг сарғайган ҳар бир япроғи
Нописанд севгимнинг ғамгин титроғи.

БОБУР СОҒИНЧИ

Қалбингизда армон бўлиб қолди-ку юрт соғинчи,
Бу армонлар тортиб олди сиздан шодлик, севинчини.
Сизни мудом қийнаб юрди юрагингиз ўкинчи,
Бобур бобо ғазалингиз ўқиб сизни тушундим.
Кўз ёшингиз дарё эмас, сиёҳ бўлиб томибди,
Юрак қайтмоқ истаганда, ғурурингиз тонибди,
Бу аламдан вужудингиз олов бўлиб ёнибди,
Бобур бобо дардингизни ўзим ёниб тушундим.
Димоғингиз туйибди-ку юртнинг хушбўй исини,
Дил тоқида порлабди-ку фақат Ватан юлдузи,
Улкан соғинч дарахтининг сиз бўлибсиз илдизи,
Бобур бобо сизни ўзим яроқ бўлиб тушундим.
Ишқингизни хазон босган адирларда куйлабсиз,
Ичга ютган нолангизни сатрларда суйлабсиз,
Армонингиз кўнглингизга азиз қилиб қийнабсиз,
Бобур бобо сизни ўзим фарзанд бўлиб тушундим.

**Гулрухсор Маҳмудова,
Жиззах вилояти, Фориш туманидаги
59-мактаб ўқувчиси**

СЎРАЙМАН

Тана-маломатга қолса гар бошим,
Заҳарга айланса егани ошим,
Сўниб битса буткул умид - куёшим,
Дарё бўлиб оқса, кўзимдан ёшим,
Яратган эгамдан сабр сўрайман.
Армонлар юрагим куйдириб ўтса,
Суйганим ўзгани суйдириб ўтса,
Ортингдан термулиб ўқиниб ўтса,
Кун келиб, дунёдан кўз юмиб кетсам,
Бир парча ерингдан қабр сўрайман,
Аввало бут бўлсин дилдаги иймон,
Ўшал нур элтажак ўзинга томон,
Дунёда қиёмат рўй берган замон,
Қилган гуноҳимга узр сўрайман,
Эрам боғларингдан изн сўрайман.

**Шоҳида Абдулазизова,
магистрант**



ЯНГИ ОВОЗ СОҲИБАСИ

1980 йил 18 декабрда Стейтен Айленд госпиталида, кейинчалик Кристина исмини олган жажжигина қизалоқ дунёга келди.

Отаси Кристин Фаусто ва онаси Шелли коллежда танишган бўлиб, бир-бирига кўнгли қўйиб, кейинчалик турмуш қуришганди. Ўша пайт онаси ёшлар оркестрида куйлар, отаси АҚШ ҳарбий хизматида сержант бўлиб ишларди. Шунинг учун ҳам бола туғилгач бир жойда муқим турмасдан жажжигина қизалоқ билан кўп вақtlари сафарда ўтарди. Албатта, бу сафарлар Кристина учун оғир эди. У ўзига дўст орттиролмас эндигина бир жойга кўника бошлаганда яна кўчишарди. Ягона овунчоги эса қўшиқ айтиш эди.

Беш ёшгача Кристина испанча куйлади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки отаси испан эди. Қолаверса, онаси икки йил испан тили таржимони бўлиб ишлаганди. Шунинг учун ҳам у болалигидан испан тилига мослашиб борди.

Бир куни жажжигина Криси ваннада сочиққа ўранганча ойнага тикилиб, қўлига бўш шампун идишини олиб, қўшиқ айта бошлади. Онаси унинг ёнига келиб ҳайрон бўлганча қизидан сўради: "Қизим, сенга шампун идиши нега керак". Криси бепарвогина жавоб берди: "Ойи, бу оддий идиш эмас, микрофон". Онаси бу жавобдан мамнун бўлди ва қизчаси шу пайтдан мусиқага қизиқаётганидан суюнди. Лекин ўша пайт бир кун келиб қизи юлдуз бўлиб дунёга танилишини тасаввур ҳам қила

олмасди. Ва ниҳоят бир куни набирасини зимдан кузатган бувиси Крисида катта истеъдод борлигини ҳис қилди.

Қизча етти ёшга тўлганда ота-онаси ажрашишди. Кристина онаси билан Пенсильвания штатида кўчиб кетишди. Отаси эса номаълум тарафга йўл олди. Онаси иккинчи бор турмушга чиқди. Энди уларнинг оиласида олти киши — туғилган синглиси Рейчелдан ташқари, ўғай отасининг болалари Стефани ва Кейси ҳам бор эди. Албатта, Кристина шу орада вақтини бекорга ўтказмади. Кўпгина телешоу ва радио танловларда иштирок этди.

Мактабга борадиган вақт ҳам бўлди. У ерда ҳам Кристина турли хил шоуларда иштирок эта бошлади. Лекин унинг яқин дўсти йўқ эди. Синфдошлари эса келишган қизга бошқача назар билан қарашарди.

Саккиз ёшида ўзининг ажойиб овози билан Кристина АҚШнинг машҳур "Star Search" танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳамма босқичлардан муваффақиятли ўтган Криси финалгача етиб борди. Тан олиб айтиш керакки, биринчи ўринни Кристина олиши лозим эди, лекин унга фақатгина иккинчи ўрин nasib этди. Шундагина шоу-бизнесда баъзи нарсаларни пул ҳал қилишини англади. Бойвачча отаси бўлган ўн икки ёшли йигитчага биринчи ўрин nasib этди. Крисида бу ёмон таъсир қилди, лекин у ўзини йўқотиб қўймади. Саҳнани қўлганча, хотиржам тарк этди. Шундай бўлсада, танловдан сўнг кўпчилик ундаги истеъдодни тан олди. Тезда Кристина Питсбург хоккей матчида АҚШнинг мадҳиясини куйлаш учун таклифномани олди. Бу вақтда у ўн ёшда эди.

Шу билан бирга Кристина АҚШнинг





машхур телешоуси "Микки Маус" клубига аъзо бўлишга ҳаракат қилди. Лекин уни қабул қилишмади. Чунки ўша пайти ёши тўғри келмасди. Икки йилдан сўнг ҳамма босқичлардан ўтган Криссининг орзуси ушалди. У клубнинг аъзоси бўлди.

Синфдошлари уни сиғдирмас, мазах қилишарди. Кристина билан деярли ҳеч ким гаплашмасди. Вазият шунчаликка бордики, Кристинага дўқ-пўписа қилишар, ҳатто унга қўл кўтаришгача етиб боришди. Бунга сабаб унинг кундан-кунга ошиб бораётган машхурлиги эди. Шундан сўнг, онаси уни бошқа мактабга ўтказмоқчи бўлди. Лекин у ерда уни қабул қилишмади. Кристинанинг уйда таълим олишига тўғри келди.

Ўн тўрт ёшга тўлгач "Микки Маус" клуби ёпилди. Шундан сўнг, у турли хил фестивалларда иштирок эта бошлади. Кристина Кейзо Наканиши билан Японияга йўл олди. Ва у билан "All I Wanna Do" қўшиғини куйлаб, клип олишди. Ўз штатига қайтган Крисси "Mulan" мультфильми учун ёзилган "Reflection" қўшиғини айтиш ва сондтрек ишлаш учун синов таклифнома-сини олди. Студияга "ми"ни "до"дан юқори нуқтада ушлаб тура оладиган одам керак эди. Кристина эса буни қийинчиликсиз бажарди. Шундан сўнг, Кристина Уитни Хьюстоннинг "I Wanna Run To You" қўшиғини куйлади ва 48 соатдан сўнг Лос-Анжелосдаги студияда қўшиқни ёза бошлади.

1998 йил 24 июнда "Mulan"нинг премьераси бўлди. Ва "Reflection" қўшиғи энг яхши ўн бешликдан жой олди. Кристина эса бу вақтда мазкур қўшиқни телевидениега тақдим қилди. Шу ҳафтанинг ўзидаёқ RCA Records Кристина билан етти-та альбом учун шартнома имзолади. Деярли бир йил давомида ўз устида тинимсиз, яъни продюссер, бастакор ва шеър муаллифлари билан ишлади. Буларнинг ҳаммаси учун бир миллион атрофида маблағ сарфлади



Ва ниҳоят 1999 йил 22 июнда биринчи клип "Genie In A Bottle"нинг премьераси бўлди. Клип эса тўппа-тўғри Билбординг ва бошқа чартларда биринчи ўринни забт этди. Унинг изидан 24 август куни илк альбом "Christina Aguilera" сотувга чиқди. Ва ниҳоят Кристинанинг орзуси ушалди. Энди уни ҳамма танирди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай "Гремми" мукофотини қўлга киритди. Шундан сўнг, испан тилидаги альбоми "Mi Reflego", рождество альбоми "My Kind Of Christmas" сотувга чиқди. Ижоди давомида Кристина Луис Фонси, Энрика Иглесиас, Рики Мартин ва Доктор Жон билан дуэт ижро этди. Ҳамма танқидчилар уни бир овоздан **"Янги авлод овози соҳибаси", дея аташди** ва уни бутун дунё таниди. У ҳозир бойвачча, истеъдодли ва машхур, болалигидан нимага ҳаракат қилган бўлса шунга эришди. Шунинг учун ҳам у энг яхши...



Бекзод Абдуназаров тайёрлади



Дам ганимат

Ҳар қандай узоқ йўл биринчи қадамдан бошланади. Бизнинг илк қадамларимиз жонажон Ватанимизнинг миллий истиқлолга эришган, ўз тақдири ва тараққиёти йўлини ўзи белгилаб олган, заминимиз бойликларидан фақат халқимиз манфаатлари йўлида фойдаланилаётган ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида чуқур ўзгаришлар содир бўлаётган тарихий даврга тўғри келди.

Хўш, Юртбошимизнинг биз ёшларга билдирган юксак ишонч ва умидларини, оптимиздан оқ фотиҳа бериб, мустақил ҳаёт йўлига кузатиб қўйган азиз устозларимизнинг ва ота-оналаримизнинг орзуларини оқлай олапмизми?

Мен шу ҳақда уйлар эканман, ўзимга савол бераман: Ўтаётган ҳар бир дамни орқага сурмай вақтдан оқилона фойдаланиб, ўз устимда тинмай ишлагим келади ва шуни онгимга сингдириб олгим келадики, бугун халқим, элим, ота-онам, Юртбошим мenden етук инсон, жамиятни фаол фуқароси бўлиб етишиб чиқишимни интиқлик билан кутмоқда.

Азиз тенгдош, ёшлиқнинг жисмонан ва ақлан кучга тўлган энг фусункор палласига кириб бормоқдамиз. Ёшлиқ ўти буртиб турган куч-ғайратимизни элимиз, юртимиз фаровонлиги йўлида сарфлайлик.

Юртбошимиз “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” деганларида юксак дидли, қобилиятли, салоҳиятли, фозил фарзандларини назарда тутганликларини унутмайлик!

Сарвиноз Бердиева,
Тошкент педагогика коллежи
талабаси



Йигитларга ишонмайман

Айни 18 ёшга кирган чоғларим, кўзга яқин қиз бўлиб қолганимни ҳис эта бошладим. Ўшанда йигитларнинг гоҳо ошкор гоҳо мактуб орқали севги изҳор қилишлари ҳам одатий ҳолга айланиб қолганди. Мен эса барчасининг муҳаббатини рад этиб мағрур юрардим. Кунларининг бирида, узоқ қариндошимизнинг тўйига бордик. Куёв жўраларнинг бири эътиборимни торта бошлади. Унга нисбатан қалбимда қандайдир бир илиқлик пайдо бўлди. У йигитнинг ҳам мен билан танишмоқчи эканлигини дугоналаримдан бири кулоғимга шипшиди. Ўшанда ўзимни қанчалик бахтиёр ҳис қилганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Тўй кечаси йигит билан учрашдим. Шундан сўнг биз тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Бу ҳам узоққа чўзилмади. Бевафо ошқ йигит менга уйлана олмаслигини айтиб, ташлаб кетди. Шундан буён йигитларга сира ишонмайман.

Мадина, Қарши

Ассалому-алайкум, ҳурматли “Ёш куч” журнали жамоаси. Журналнинг барча сонларини ўқиб, мактаб жамоаси ҳамда ёшлар иштирокида муҳокама этиб борамиз. Мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари “Ёш куч”га обуна бўлишган.

Журнални янада муҳлислари кўпайиши учун “Ёшлар ижоди”, “Бизнинг мактаб”, “Ёш рассомлар”, “Ўйла, изла, топ” саҳифалар ташкил этилиб, унда ижодкор, истеъдодли ёшлар ижоди бериб борилса деган таклифни ўртага ташламоқчиман.

Мақолаларга келсак уни яхши ёмони бўлмайди, муаллиф ёки таҳририят чоп этишни лозим топибдими, демак ушбу мақоладан ниманидир ўрганиб олиб, мулоҳаза юритса бўлади.

Бизга кўпроқ журналдаги “Балоғат бекати”, “Санъат”, “Спорт”, “Учинчи ўлчамга саёҳат” руқни остида берилаётган мақола ва чизгилар жуда ёқади. Уларни ўқиб, мулоҳаза этиб, “Давра суҳбати”да, “Учрашув”ларда фойдаланамиз.

Сизларга омад, ишларингизга ривож тилаб

Ойширин Бозорова,
Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги 21-мактаб директори,
халқ таълими аълочиси



Фарзанд тарбияси

Болакай атрофида катталар парвона, уни эркалаб, суйишдан чарчашмайди. “Ким сени урушди?” — деди катталардан бири овозини болаларга монанд қилиб. Бола қўли билан кимнидир кўрсатди. “Хайт, уними, — деди яна ўша аёл, — ўзим тазирини бериб қўяман”...

Умуман олганда бу одатий ҳолат. Лекин, болалик, айна катталар нима деса, нима қилса ўрганиб оладиган пайт. Катталар эса ўзларича эркалаш, деб ҳисоблаган гаплари билан болани аста-секин чақимчиликка ўргатишмаётганмикан?

...Кечги пайт, кўча эшиги тагида 3-4 та жажжи қизалоқлар “хола-хола” ўйнашарди. Шу пайт бири дабдурустдан ўрнидан туриб нарсаларини йиғиштира бошлади. “Ҳозир “Паула” бошланади, кеча яхши жойида тугаган эди”, деб чопганича уйига кириб кетди.

Ота-оналарнинг аксарияти болаларнинг ёшига мос бўлмаган фильмларни кўришига эътиборсиз қарашади (ўзлари ҳам қўшилишиб кўрганларидан кейин қандай эътибор қилишсин?). Катталар тарбиясига-да таҳдид соладиган бу фильмлар болаларга қандай таъсир кўрсатаркин?

...Эрта саҳарлаб ўқишга йўл оларканман, кўчада бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандларини мактабга элитаётган ота-оналарга кўзим тушади. Бола қўлини чўнтагига тикқанча олдинда кетаверади. Онасининг қўлида мактаб попкиси. Тўғри, ҳамма оналар ҳам боласини аяйди, лекин ўқувчи мактабга, билим олишга кетаётганини ҳис қилиб, болаликни ташлаб, мактаб ўқувчиси бўлганидан фахрланиб бориши юз қарра яхши эмасми? Балки битирувчи синф ўқувчиларининг ҳеч қандай дарсликсиз мактабга келишига сабаб ёшлигиданоқ бунга ўрганмаганидир.

Ҳозирда кўпчилик болаларнинг китоб ўқишга қизиқиши йўқ. Уйда ёки “Сего” ўйинхоналарида салобат тўкиб турган компьютердаги бир-бирдан қизиқарли ўйинларни ташлаб китоб варақлаб ўтириш уларга ёқмайди, албатта. Ўлига компьютер олиб берган оталар ўзларини фарзандининг ўқиши учун етарли шароит яратиб бергандек ҳис қилишади. Аслида компьютер билим манбаи эмас-ку...

**Дурдона Алимова,
Тошкент**

Бетамизлик

Шаҳарга кетаётиб йўлда автобусга чиқдим. Автобус жуда чиройли, ичи кенг, шинам, ўтиргичлари майин экан. Бир пайт олдимдаги ўтиргичга чизиб-ёзиб ташланган ҳақоратли сўзларни ўқиб қолдим, ёнимдаги одамнинг олдидаги ўтиргич ҳам ёмон, ифлос сўзларга тўлиб турибди. Бир томондан, бу сўзларни ёзган ёшларга, иккинчи томондан, уларни тарбиялаган ота-оналарига ва автобусга ачиндим. Ахир бу автобуслар не-не азобу укубатлар билан халқимизни пешона терлари билан ишлаб топган пулларига келган. Афсуски, бунга ўйламаётган тенгдошларимга, ҳа-ҳа, тенгдошларимга шу гапларни ёзишга мажбур бўлдим: Ахир жамоат мулки дегани сиз билан бизнинг мулкимиз-ку, чиройли кийинишни, одамлар олдида ақлли бўлишни яхши кўрамузу наҳотки қилаётган ишларимиз бетамизлик эканини англамаймиз. Барча нарсага етган ақлимиз наҳотки шу нарсага етмас?

**Бунёд Гадов,
Каттақўрғон туманидаги
74-мактаб ўқувчиси**

Ўзлимиз қаёқда қолди?

Баъзан метрода, кўча-кўйда кучоқлашиб ўтирган ўзбек йигит-қизларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайман.


Ахир ўзбеккона шарм ҳаё, ибто қаёқда қолди? Йигитлик ғурури-чи? Ўзингиз ўйлаб кўринг. Бу ўз-ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Соф муҳаббат реклама қилинмайди. У қалбларнинг қаърида муҳрланган бўлади.

Азалдан уят, андиша, шарм-ҳаё қон-қонимизга сингиб кетган ибратли фазилатларимиз саналади. Нима учун айнан биз халқимизнинг минталитети га ёт бўлган бепарда унсурларни ўзлаштиришимиз керак экан?

Биз ҳеч қачон, ҳеч кимнинг бир-бирига кўнгли кўйишига қарши эмасмиз. Лекин баъзи ёшларимизнинг шундай соф туйғуни оёқ-ости қилишаётганларини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳурматли “Ёш куч” жамоаси саҳифаларингизда иложи борича кўпроқ тарбиявий руҳдаги мақолаларни беришингизни истайман.

Ҳурмат билан Дилбар

КУТУБХОНА КУТУБХОНА УЧУН...МИ?



Бугунга келиб кўпчилик ёшларни ўйлантираётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бундай муаммолардан бири ғариб китоб дўконлари-ю, жойлардаги бўм-бўш кутубхоналар. Бунинг сабаби нимада? Наҳотки, бугунги ёшлар китоб ўқишни хоҳлашмаса? Гап шундаки, бундай ҳолатларга сабабчи бўлаётган аксарият кутубхоналарда китобдан фойдаланишда китобхонага имконият берилмаяпти...

Пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига аъзо бўлдим. Ҳарқалай, энг асосий муаммо ҳал бўлди, яъни энди ўзимизнинг факультетдаги бироз "ночорроқ" кутубхонада навбатга туриб китоб талашишдан қутулдим.

Миллий кутубхонага китоб олишга борган кишига қонун-қоидалар, яъни қироатхонага журнал, китоб, энг асосийси, сумка киргизмаслик лозимлигини, бу ерда интизом жудаям кучли эканлигини ўқитиб қўяди. Буни тўғри тушуниш лозим: кунига ҳар хил ёшдаги одамлар кириб чиқадиган жойдаги энг бебаҳо хазинага эҳтиёт бўлиш керак.

Аммо, жорий этилган ва амалда сўзсиз роя этилиб келинаётган тизим ҳам мавжуд эканки, бу фақат кутубхона манфаати (ва албатта китобхоналар захмати) учун хизмат қиларкан. Яъни, китоблардан фақат кутубхонада фой-

даланиш мумкинлиги ва уйга олишга рухсат берилмаслиги, берилган тақдирда кунига ҳар бир китоб учун 250 сўмдан пул тўлаш шартлигидир. Буни қандай тушуниш керак? Ахир, кутубхонанинг асосий вазифаси китобхоналардан моддий манфаат кўришмас, аксинча, иложи борича жамиятда зиялилар сафини кенгайтириш эмасми?! Ўзи шундоғам китоб ўқимаслик ёшлар орасида муаммога айланиб бораётган бир пайтда бунга чора кўриш учун рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш, илмга интилаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш лозим. Кутубхонада белгиланган вақт китобни қандай ва қаердан топиш учун каталог титкилаш, унга буюртма бериш ҳамда олиб келингунча кутиш ва ниҳоят фикрни бир жойга тўплаб, керакли маълумотни олиш учун мутолаа қилишга умуман етмайди. Демак, энди шу китобдан керакли маълумотни олиш учун яна бир кун вақт сарфлаш (агар етса) ёки қоидага асосан уйига олиб кетишга пул тўлаши керак. Талабанинг даромадини эса яхши биласиз.

Аслида кутубхонадаги маълум бир китоб учун тўланадиган пулларга ўша китобни дўкондан сотиб олса ҳам бўлади. Ҳамма гап талабанинг сотиб олишга қурби етмаганлигидир.

Наҳотки моддий манфаатдорлик маънавий етукликдан устун бўлса? Эҳтимол бу моддий манфаатдорликмас, шунчаки қайсидир маънода баъзи харажатларни қоплаш учун амалга оширилар. Аммо, бу кутубхонани асосий вазифасини чеклаб қўймасмикан?

Тошкентда яна бир CAFE (Central Asian freedom exchange) томонидан ташкил этилган кутубхона фаолият юртияпти. Унга аъзолик бадали ва бир йил фойдаланиш имконияти учун 7000 сўм тўланади. Энг яхши имкониятларидан бири эса ҳеч қандай тўловсиз исталган китобларни икки ҳафтада қайтариш шarti билан олинишидир. Бир йилга тўланадиган 7000 сўм талабага оғирлик қилмайди. Аммо, у ердаги китоблар Миллий кутубхонадаги китобларнинг ўндан бирини ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳамма бирдек аъзо бўла олмайди. У ердаги китоблар хорижий тилда чоп этилган.

Хуллас, ўзимиздаги кутубхоналарда китоблар кўплиги, улардан тўғри фойдаланиш тизими йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Замира Аҳмедова



ЎГИЛ БОЛАЛАР ЎҚИШИ ШАРТ ЭМАС

Ноўхшов жиҳатлар

Фаранг журналларидан бирида “Аёл ва эркак орасидаги 100 та фарқ” тадқиқоди эълон қилинганди. Хотин-қизлар байрами муносабати билан биз ҳам журнал мухлисларини ёшини ҳисобга олиб, қизлар ва ўғил болалар орасидаги бир нечта фарқни келтириб ўтмоқчимиз.

1-Фарқ: “Баҳайбат” миялар!

Олимларнинг аниқлашича, ўғил болаларнинг мияси қизларникидан 250-350 грамм оғир тош босаркан. Қани энди ақл ҳам шунга яраша бўлса... Ўғил болалар буни ақллилик даражаси деб тушуниб, ёқа кўтаришга ошиқишмасин. Чунки, агар мия катталиги ақл кўплигидан далолат берганида гориллалардан аллақачон профессору академиклар чиқиб, университетларда бемалол дарс беришарди ёки хусусий газета очиб, маймунлар психологияси ва саргузаштларидан сабоқ беришган бўлишарди. Сабабки, энг оғир мия соҳиблари горилла маймунлари ҳисобланишади.

2-Фарқ: Қизлар “камгап” бўлади.

ТИП-ТОП ШОУ ВА ЯНА ЁШЛАР ЎСМИР-ЁШЛАР УЧУН МАХСУС САҲИФА

Сайёҳларни айлантиришга олиб чиққан экскурсовод:

— Биз ҳозир дунёга машҳур Ниагара шаршараси олдидамиз. Агар қизлар бир пас жим туришса, шаршаранинг овозини эшитишимиз мумкин... — деган экан.

Ижтимоий тадқиқот ўтказилганда “Ким кўп гапиради?” саволига қуйдагича жавоб олинган. Демак, иккинчи ўринни бозорчи хотинлар эгаллашган, биринчи ўрин эса... Ҳа, шубҳасиз, қизларга насиб қилибди. Демак, домларнинг бозорчи аёлларга ўхшаб гапираверманглар, деган гаплари аслида мантиқан нотўғри экан.

3-Фарқ: Ўғил болаларга кийимнинг фарқи йўқ.

Кинога тушишга келишиш учун севишганлар телефонда гаплашишяпти: Қиз:

— Қайси кўйлагимни кийсам экан?

Тоғам Малайзиядан олиб келганиними ёки турк кофтасиними?

Йигит:

— Менга фарқи йўқ.

4-Фарқ Қизлар ҳидни яхши сезишади.

Қизларнинг ҳид сезиш қобилияти ўғил болаларникидан 20 фоиз кучлироқ бўлади. Бироқ негадир парфюмерия яратувчиларнинг 80 фоизини эркаклар ташкил қилишар экан.

ВА БОШҚА ФАРҚЛАР...

Қизлар ўғил болаларга нисбатан икки карра кўпроқ оғир руҳий ҳолатга тушишаркан. Сержаҳлликда ўғил болалар устун бўлса, мусиқани назик дид билан илғашда қизлар бир поғона юқорида тураркан. Ва охириги, қизлар қариса, кампир бўлишарди, ўғил болалар эса... Йўқ, ўғил болалар қаримагани маъқул.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Айтишларича, Ўрта асрларда Корейда агар қиз бола туғилса, унга умуман исм қўйишмас экан. Уни чақиринишда фалончининг қизи, пистончининг синглиси, деган бирикмалардан фойдаланишган. Мабодо унинг бўйи етиб, турмушга чиқадиган бўлса, “исми” ҳам ўзгарган. Яъни, энди уни “Писмадончининг хотини”, дея атай бошлашган. Ҳар ҳолда бу исм танқислигидан бўлмаса керак. Хитой томонларда эса қизларга “меҳр” ўзгача. Иккита қиз ва бир ўғиллик отадан “фарзандлардан нечта?” деб сўрасангиз, у сизга ҳеч иккиланмай “Битта ўғил ва иккита бахтсизлик”, деб жавоб қайтаради. Мана сизга жавоб.

Минг шукрки, бизда аёл зоти ҳамиша улуғланиб келинган. Тўмарис, Зарина, Бибихоним, Гулбаданбегим, Увайсий, Қурбонжон Дадҳоҳ, Нодира, Анбар Отин, Зулфия каби буюк сиймоларимиз тарихимиз зарварақларига олтин битиклар билан битилган. Халқимиз улар номини фахр билан тилга олади. Ҳозир ўлкамизда фасллар эркатойи баҳор шоирлар тили билан айтганда, ўз таровотини кўз-кўз этипти. Шундоғам умр баҳорининг лаззатидан баҳра олаётган ёшлар учун бу фасл ўзгача шуқуқ бағишлайди. Унинг устига байрамлар дегандай. Ҳозирча ўтиш даврини бошидан кечираётган “Тип-топ шоу ва яна ёшлар” қутлуғ айёмлар билан барча мухлисларни, айниқса баҳор гулларидек, очилиб кетган қизларни табриклаб бу сонини уларга бағишлайди.



Аёллар – ДОИМО ОГОҲ

Чаросхон бугун ҳам ўқишдан чиқиб тўғри автобус бекатига келди. Бекат ўриндиклари аёллар билан тўла. “Ҳойнаҳой бу тоғора кўтарган аёллар бирон-бир муҳим маросимга шошилишяпти”, деб хаёлдан ўтказди Чаросхон.

Ниҳоят кўзлар тўрт бўлиб кутилган автобус бекатга келиб тўхтади. Чиптачининг “Опажонлар автобуснинг орқаси ҳам ўша манзилга боради. Илтимос орқа эшикдан чиқинглар”, дейишига қарамай, аёллар олди эшикдан бирин-сирин чиқа бошлашди. “Ҳой, болам тоғораларни олишинг, вой, эҳтиёт бўлинг, ичида эзилладиган нарса бор. Эй шопир болам бирпас тўхтаб туринг, ўзимиз ҳам чиқиб олайлик. Вой-эй, автобуснинг ичи бунча тор бўлмаса, қўлимдан тортиб юборинг”. Чаросхон амаллаб орқа эшикдан базўр чиқиб олди. Бекатда бир оз муддат туриб қолган автобус жойидан кўзгалди. Автобус ичи йўловчилар билан тўла бўлишига қарамай аёлларнинг барчаси ўриндикларга жойлашдилар. Яна долзарб мавзулардаги суҳбатлар бошланди. “Фалончининг қизи... пистончининг ўғли... ту-

Гўзаллик СИРИ НИМАДА?

Неча йилдирки кишилар ана шу саволга жавоб топиш учун изланишади. Ҳар ким ўз йўлида янгилик яратишга ҳаракат қилади. Сартарошлар инсонни гўзал қилиб турувчи — бу сочлардир деса, модельерлар гўзал либоссиз гўзал инсонни тасаввур қилиб бўлмаслигини эътироф этишади. Кўз-қошларини маромига етказиб бўяган, атир-упадан яхшигина фойдаланган бўлса бас. Бу нарсалар кишини қанчалик безамасин, гўзалликнинг сирини ана шунда дейишга шошилмайлик.

Дунё олимлари инсондаги гўзалликнинг биринчи омили кўзми ёки қошми, лабми ёки бурун эканлиги тўғрисида ва айнан қайси ирқ, қайси миллат вакиллари гўзалроқ бўлиши ҳақида жуда кўп бош қотирган, улар устида кузатишлар, тадқиқотлар олиб борган. Кузатишлар натижасида эса турли миллатнинг энг гўзал вакиллари дунё гўзали тан-

ловларида қатнашишган. Энди тасаввур қилинг, ана шундай танловларнинг бирида дунёнинг энг гўзал маликасидан интервью олиш учун тайинланган мухбир сиз. Унга яқинлаша туриб нақадар жозибадор, бетакрор эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Лекин кутилмаганда, у интервью беришга вақти йўқлигини, мухбирлардан чарчаганини айтиб сизга “Оқ йўл” тилайди. Энди сиз уни бундай “илиқ” муносабатидан кейин яна чиройини таърифлаб, гўзаллиги ҳақида бонг ураоласизми? Албатта йўқ. Сизга нисбатан беодоблик қилиб, ёмон муносабатда бўлгани учун ҳам бояги фикрларингиз энди ўзгаради, гарчи у ҳозиргина сиз учун маликалар-маликаси бўлган бўлса ҳам. Киши ҳеч қачон ақлий камолотга эришмагунча, муомала одобини ўрганмагунча гўзал бўла олмайди. Гарчи у кийиниб-безанган, энг сўнгги соч турмагида ясатилган бўлса ҳам. Киши гўзал бўлишни истаса унинг сирини фақат одоб ва ўзаро муносабатдан изламоғи лозим. Зеро ташқи гўзаллик ёлгончи ва ўткинчидир.

Дилдора Миртурсунова

гунчининг келини...” ва ҳоказо ва ҳоказо. Чаросхон беихтиёр аёлларнинг суҳбатига қулоқ солиб кета бошлади. Суҳбат эса қизигандан қизиб бормоқда, тилга олинмаган ҳеч ким қолмади. Бир маҳал, автобус микрофонидан “Чаросхон” дея ҳайдовчининг бир неча бор чақиргани аёллар суҳбатининг белига тепди. Мавзу 180° даражага ўзгариб, энди аёллар йўловчилар орасидан исм муаллифини кўз билан қидира кетишди. Микрофонда янграган овоз таниш. Чаросхон узоқда турган бўлса ҳам ҳайдовчини кўрди ва бирдан Шокир тоғам дея қизнинг кўзлари қувнаб кетди. Яна микрофонда “Чаросхон, тушаётганинг олди эшикдан туш. Сенда муҳим гапим бор”. Айнан кейинги бекатда тушиши керак эди. Унинг тоғаси ҳайдовчи. Шу йўналишдаги автобусни навбат билан ҳайдайди. Нима учун чиқаётганимда кўрмадим, тоғам мени ойнада кўрган эканларда, деган фикр Чаросхоннинг миёсида яшин тезлигида пайдо бўлди. У аёллар орасидан тикилиб-суқилиб, ўтиб

кўзлари қувнаб, олди эшик томон юра бошлади. Аёллар яна суҳбатга тушиб кетишди: “Ҳозирги ёшларда уят қолмаган, вой шарманда, кел деса бораверадими. Кимнинг қизи экан яшшамагур, шу маҳаллани қизига ўхшайди. Сипо кўринишига қарамай шундай “акалари” бор экан”. Энди Чаросхонга эшиттириб гапира кетишди. Ҳатто бир ёши катта, чаккасига райҳон шохчасини қистириб олган онахон Чаросхоннинг сумкасида силтаб тортиб: “Ҳой қиз, сени бу юришингни ота-онанг биладими?”, деб сўроққа тутди. Тишини-тишига қўйиб олди эшикка яқинлашай деб қолган Чаросхон бу саволдан сўнг ўзини тутиб тура олмади. Чарос кўзларидан ёш томчилди: “Ахир бу онамнинг энг кичик укаси — ҳақиқий тоғам-ку!”.

Аёллар эса лаб тишлаб қолишди...

Шаҳноза Солиҳова



Кашанда нима дейди?

Мавзуга доир реклама
Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳланти-
ради:
"XON" шубҳасиз бизниқидир!"

Америка қитъасини Христафор Колумб очган, биласиз. Аммо Колумб бобонинг анқовлиги е Америко Веспуччининг айёрлиги, хуллас, қитъа Америко номига расмийлаштирилган. Менга кўйиб берсалар-ку, бу қитъани Беруний қитъаси дер эдим... Тўғриси, Америко деганлари билан бир бичокчалик ишим йўқ. Ўз соҳам мутахассиси сифатида мен Колумб бобони ёқлайман. Ўҳ-ҳи, ўҳ-ҳи, юзингизга тупик сачраган бўлса узр. Аммо ҳали ўпка касалига чалинмаганимни ҳам айтиб қўяй. Ахир Колумб тоға биз кашандаларнинг бошимизни силаган. Шу одам бўлмаганида Америка ҳам очилмай қолармиди, энг ёмони, биз бечоралар тамаки таъминин билмай ўтиб кетаверармидик. Ҳа, ўша одам Европага не-не азиатлар эвазига ўзи ўйлаб топган "Ҳиндистон"дан тамакини

олиб келган. Ўҳ-ҳи, ўҳ-ҳи, кечирасизлар, озгина йўтал бор.

Фалсафий чекишиш

"Трубка чекиш доно кишига ўйлаш имкони беради, аммо нодоннинг ҳам оғзида нимадир туриши керак". (А.Блок)

ЧЕКИШ ЭТИКЕТЛАРИ

Энди ҳаваскор чекувчиларнинг илтимосларига биноан чекиш этикетлари хусусида гап сотаман. Этикет нима дейсизми? Йўқ, у сигаретанинг тури эмас. Этикет бу олим Эдлей Стивенсон таъбири билан айтганда, оғизни очмасдан эснаш қобилияти. Ана тушуниб ҳам олдингиз. Сигаретани ёқишда ёндирғич чап қўлда бўлиши даркор (ҳа, энди, маданиятли чекувчига гугурт тўғри келмайди-да). Ўнг қўл қаерда туриши керак, дейсизми? Келган меҳмоннинг ҳурмати, майли, ўнг қўл чўнтақда тура қолсин. Бир дона сигарет сотиб оладиган бўлсангиз ҳам, қутиси билан олишни унутманг. Чунки катта даврага тушиб қолганингизда бўш қутини қўлга олиб: "Ия, тугабди-ку", дейсиз-да, ёнингиздагига

шароитни тушунтирасиз: "Қани, оғайни, чекишдан олинг!" Билсангиз керак, ит текинга кўлингизни яламайди. Маслаҳатлар кўп, аммо бу ёғи бозор иқтисодиёти. Агар мен каби маданиятли кашандага айланмоқчи бўлсангиз сигаретанинг олий навидан, ўҳ-ҳи, ўҳ-ҳи, бир қути олиб, ёнимга келинг.

Латифа

— Бир килограмм никотин отни ўлдирар экан.

— Таба, отга чекишни ким кўйибди?

ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ МУМКИН-МИ?

Айрим иродаси бўш чекувчилар мендан қандай қилиб ташлаш мумкинлиги хусусида маслаҳат сўрашади. Шу боис булар ҳақида йўталиб, йўғ-е, тўхталиб ўтаман. Авваламбор саволни тўғри бериш керак. Қандай қилиб чекишни ташлаш мумкин? — деган саволдан кўра, чекишни ташлаш мумкинми? — дейиш мантиққа тўғри келади. Чекишни бошлагандан сўнг ташлаб нима қиласиз? Ахир бу сувга чўкиб кетишни билиб, тешик қайиқда денгизга чиққан одамнинг орқага қайтишга уринишдек гап-ку! Тўғри, чекишни ташлаш унчалик қийин эмас. Фикримни устоз Марк Твен ҳам қувватлайди: "Чекишни ташлаш қийин эмас. Мана масалан, ўзим бир неча марта ташлаганман". Ҳа, Марк амакининг гапида жон бор. Одамлар нима учун чекишни биласизми? Билмасангиз билиб қўйинг. Чунки одам табиатида қайсарлик бор. Дейлик, "Одам Ато ўша номаълум неъматни мева бўлгани учун эмас, балки маън этилганлиги учун узиб олган эди". Кимдир олифтагарчилик учун, яна кимдир эркакчилигини исботлаш учун (ҳозир аёллар ҳам чекапти), баъзилар эса ўрганиб қолганликлари учун чекади. Ўраб чекадиганлар ҳам, сўраб чекадиганлар ҳам унинг зарарини, тўғрироғи, зарарларини яхши билишади. Шунинг учун маслаҳат шарт бўлмаса керак. Ташлашнинг зўр усули бор. Яъни, сигарета ишлаб чиқарадиган заводларни кўпайтириш керак, холос. Оқибатда унинг нархи арзонлашади ва аста-секин русумдан қола бошлайди. Қисқаси, чекишни ташлаш учун чекмаслик керак.


ДОНО ФИКР

"Чекадиганлар билан ўпишиш кулдонни ялаш билан баробар". (А.П.Чехов)

ЧЕКИШ - ЎПКАНИ ТЕШИШ

Ўҳ-ҳи, ўҳ-ҳи, ўҳ-ҳи... Ўпкашунос табибларнинг гапига қараганда, ўпкани ишдан чиқаришда тамакига тенг келадигани йўқ экан. Гапим охирида бир пайтлари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов айтган фикрни бироз ўзгартирганча ҳукмингизга ҳавола қиламан: Чекинг дўстлар, ўпкангиз ишдан чиқади.

Ҳамза ХОН ёзиб олди



ЎЗБЕКЧА АНКЛАБЕНС

Хонимлар ва сом..., эй-й..., жин урсин, жаноблар!

Талаба ошхонасидан тўғридан-тўғри уюштираётган репортажимизни бошлаймиз (изоҳ: диктафонга ёзиб олинган). Авваламбор, “Ёшлар” телеканалидаги “Очил дастурхон”ни олиб борувчи ҳамкасблардан узр сўраймиз. “Қайнар хумча” дастурини йўлга қўйдик, сизга бўлган катта қизиқишнинг тагини олдириб қўймасак бўлди. Чунки ҳар бир тайёрлайдиган таомимиз даҳшат. (Даҳшат сўзини қўштирноққа олинмаганлигини ўзига хос сабаби бор, бу ерда қўрқинчли маъносида келмоқда).

Биз билан истамайгина ҳамкорлик қилишга розилик берган, унчалик сахий бўлмаган ҳомийларимиз билан таништириб ўтиришга мажбур эмасман. Идиш-товоқлар етказиб берувчи ҳомийимиз эски-туски маҳсулотлар билан олди-сотди қилувчи Янгиободда жойлашган “Тезиковка” бозорини эса айтмасдан иложим йўқ. Истасангиз, истамасангиз, “Ўзбекча анкл бенс” пишади бугун хонадонингизда. Бу таомни би-ир ўрганиб

олинг-а, сарийёғдек ёқади. Шахсан мен — Капқирбек Чўмичиллаевич (тахаллусим шунақа) хизматингизда.

Ёнимда ҳеч қандай юлдуз ҳам ой ҳам йўқ. Фақат ошқозон билан олов бор. Яна шуни айтиб қўяй, овқат пишираётганимда биров ақл ўргатса калламни кесиб, қозонга ташлаб юборгим келади. Қани ҳамма, “пишт”. Мана, уч килолик қозонни оловга қўйганимга ярим соатдан ошди. Лекин, нимагадир ўзгариш йўқ. Ёғ ҳам қишлоқдан келувди, қиздирилмаган, шекилли. Уйдагиларни ҳам тушуниш керак, ўчоқда ёғни қиздириш азоб. Ана, ана тутун чиқяпти. Демак, куйди. Яхшилаб ювилиб, тўғралган пиёзни солгач, 10 дақиқа ўтар ўтмас 30 пиёла сув қуямиз. Албатта, совуқ сув. Иссиғи овқатни таъмини бузади. Бўлажак овқатнинг рангидан ён атрофдагилар (чунки ётоқхонада бўлгандан кейин, ўзингиз тушунаси) ҳушидан кетиб қолмаслиги учун қопқоғини ёпиб қўямиз. Бир қошиқ туз солгач, икки қошиқ томат пастаси билан аралаштирамиз. Масаллиқлар яхши димлансин.

Сув қайнагунча талабалар салатини тайёрлашни ўргатаман. Бешта пиёз (пиёз оқ бўлиши керак) майда-майда қилиб тўғралади. Уларни идишга солиб, устидан аччиқ қилиб туз сепиб дастурхонга қўясиз. Тўйимли ва ҳаммабоп салат тайёр. Сув қайнай бошлабди. Энди картошка солсак ҳам бўлади. Сувимиз иккинчи марта қайнагунча асосий масаллиқлар — макарон ва гуручни баравар соламиз. Сўнгра “Галина бланка”, эҳ, боринга шукр, майли чўчкалиси бўла қолсин, майдалаб қозонга соламиз. Фурсатдан фойдаланиб, ўйлаб топган Галина опага раҳмат айтиб қўймоқчиман. Гўштсиз овқатга кўни-киш мумкин, аммо бусиз... Овқат тайёр! Ёқимли иштаҳа хурматли очо... эй.... талабалар!

Ҳа, дастурхонда овқат бўлиши байрам, байрам мусиқасиз татийдими, а, лаббай?

Пиёз тўғраб, нон қуяман галсангиз, “Анклбенс” ва чой бераман галсангиз.

Диктафон эгаси Ҳамза ХОН



ЗАМОН В ЕШЛАР

Пойтахтнинг сўлим гўшаларида ўриндиқларни банд қилиб, севимли "ёрига дил изҳори"ни тўкиб солаётган "Тоҳир ва Зухра"ларга ҳар дам кўзингиз тушади. Совуқдан титраётган паноҳсиз кушчалардек бир-бирининг пинжларига тикланганча, одамлар кўз ўнгида ялашиб-юлқашаётган йигит ва қизлар орасидаги кечинмаларни муҳаббатга менгзаб бўлармикан? Бир-бирининг нигоҳларини таъқиб этаётган ва гўёки "севги бўлоғи"дан таскин топаётган ошиқу маъшуқаларнинг қалб тугёнларини-чи?

Албатта, бундай ҳолатларга дуч келавериб кўзлар пишиб кетди. Баъзида бунга ажабланмай ҳам қўйдик. Аммо ҳамма айбни замонга ағдариб, сувдан қуруқ чиқиб, бокира туйғуни шунчаки ҳирс билан алиштириб бўлмайди.

Собиқ иттифоқ Оврўпа маданиятини ўлкамизга олиб кирди, миллийлигимиздан бир қадар узоқлашиб кетганимиз ҳам шундан.

Яқинда 18 ёшни қоралаган танишимнинг ҳикоясини эшитиб жуда ажабландим. Айтишича, унинг

"севган" қизи ўз ота-онасини дугонамикига кетаяпман, деб алдагану бутун бир кечани йигит билан ўтказган. Балоғат завқи билан талпинган йигитнинг хатти-ҳаракатларини шунчаки "ёшлик"ка ёхуд "севги"га йўйсак янглишган бўламиз. Пушаймонлик туйғуси у ёқда турсин, мароқ билан ҳикоясини давом эттираётгани мени ўйлантириб қўйди. Наҳотки ота-оналар ўз қарамоғидаги жондан азиз фарзандларига шунчалар беэтибор бўлишса? Наҳотки бунинг ёмон оқибатларини ўйлаш маса?

Ўйлашимча, бундай хунук ҳолатларнинг бош сабабчиси ёшларнинг енгил-елпи яшашга кўника бошлаганида. Оила бошлиқларининг фарзандларига кам эътиборда бўлишлари ёхуд бутунлай бепарволиклари эса ноҳўя иллатларнинг ўрчишига олиб келаяпти.


Ҳар бир ёшнинг улғайиб, жамият учун етук инсон бўлиб шаклланишида дастлаб боғча, мактаб, сўнгра ўрта махсус ва олий ўқув юртиларининг аҳамияти катта. Ўғил ёки қиз маълум ёшга етганда бу масканларда билим олиш билан бир қаторда ўз маънавий дунёсини ҳам бойитиб боради. Афсуски, баъзи илм даргоҳларида белгиланган фан соатларидан ўқувчи ёхуд талабанингни ўзлаштириш даражаси ҳисобга олинди-ю, негадир унинг маънавий қиёфаси эътибордан четда қолиб кетаверади. Кийиниш, юриш-туриш борасида эса ҳар ким ўзига хон, ўзига бек. Ҳаттоки, жажжи қизалоқларнинг катталардек ўзига оро бериб, турли бўёқларни афт-ангорларига

чаплаганлари, ҳар хил зебу зийнатларни кўз-кўз қилиб тақиб олганларини қўриб, қандай ҳулоса чиқаришга иккиланиб қоласан киши. Ўқув маскани билан оила ўртасида ҳамкорликни вужудга келтириш, ўсмир-ёшларнинг этика-эстетика борасидаги дунёқарашини тўғри шакллантириш жуда зарурга ўхшайди.

Энг ачинарлиси, бугунги кунда китобхонлик даражаси сусайган. Бунинг сабабларини телевидение, радио, компьютер каби замонавий воситаларнинг мавқеи ошиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бироқ, телеканалларда намоиш этилаётган баъзи сериаллар ва улар қаҳрамонларига хос хатти-ҳаракатлар кўпчилик болажонлар ва ҳаттоки ўсмирлар онгини ҳам заҳарлашга улгурди. Шу билан бирга турли фильмлардан таъсирланиб, ундаги қаҳрамонларга тақлид қилаётган бола руҳиятида ёмон иллатларнинг илдиз отиши турган гап.

Шунингдек, юртимизга четдан кириб келаётган ва сотув расталарида харидорни бўлган беҳаё хориж нашрларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Маълумки, бу каби газета ва журналларнинг асосий мухлислари ҳам, харидорлари ҳам ёшлар. Баъзиларнинг эътирофича, бунинг болалар тарбиясига салбий таъсири йўқ, аксинча, улар бундай нашрлар орқали жинсий тарбиядан ҳам воқиф бўлар эмиш. Тўғри, жинсий тарбия мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир ёш учун ниҳоятда муҳим. Бироқ беҳаё хориж нашрларининг ҳали онги тўлиқ шаклланиб улгурмаган болалар қўлига тушмаслигига ким кафолат бера олади? Афсуски, ҳеч ким. Шундай экан, биз келажак авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб етишишида, уларнинг маънан комил инсон бўлиб улғайишида тўсиқ бўладиган юқоридаги каби ҳолатларга чек қўйиш лозим.

**Фаррух Бўтаев,
ЎзМУ талабаси**



ЁНАЁТГАН ШАМ

ёки ҲАР АМАЛНИНГ АЖРИМИ БОР

2005 йилни Юртбошимиз "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилиши, табиийки, юртимизда фаолият юритаётган барча тиббиёт ходимларининг зиммасига янада масъулият юклади.

II Тошкент Давлат тиббиёт институти Хирургия кафедраси доценти Сирожиддин Алимұхамедовга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Сирожиддин ака, касбингиздан келиб чиққан ҳолда айтингчи, инсон доимо соғ-саломат юриши учун кўпроқ нималарга эътибор бериши керак?

— Ҳар бир одам ўз соғлигини ўзи ўйлаши зарур. Вақтида овқатланиш, спорт билан шуғулланиш, уйку режимига қатъий риоя қилиш, ёмон одатлардан ўзини сақлаш, спиртли ичимликларни ичмаслик, тамаки маҳсулотларини чекмаслик буларнинг барчаси инсон саломатлигининг гарови деб биламан.

Тиббиётимиз эмблемаси аввал ёниб турган шам эди. Бу — ўзим ёниб кетсам ҳам атрофни ёритаман деган маънони англатарди. Шифокор ҳам худди шундай. У ўз касбини севади, қадрига етади. Яна шифокорда беморни эшита билиш маҳорати ҳам бўлиши зарур. Аслида тиббиёт ходимла-

рига иш вақти белгиланмаган. Ҳақиқий маънода шифокор бўламан, деган ёшлар, авваламбор, ўз касбининг фидойиси бўлиши шарт.

— Сирожиддин ака, сизнинг ҳаётдаги шиорингиз қандай?

— Ҳаётдаги шиорим — инсонларга кўлимдан келганича фақат яхшилиқ қилиш. Мен сизга ҳаётини тажрибамдан келиб чиққан ҳолда бир гални айтаман. Бу дунёда барча нарса ҳисоб-китобли. Яхшилиқнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам, тўғрироғи, ҳар амалнинг ўзига яраша ажри бор. Мақтанишга йўманг-у, одамларга қилган яхшилигим бир неча марта мукофот бўлиб ўзимга қайтганига гувоҳ бўлганман.

— Сизнингча, бахт ва бахтсизлик нимада?

— Қачонки инсон атрофдагиларга керак экан, у бахтли. Бахтсизлик эса бунинг акси.

— Айтинг-чи, шу кунгача шифокорлик фаолиятингизда қандай ютуқларга, муваффақиятларга эришдингиз?

— Мен учун энг олий ютуқ, муваффақият бу эл-юрт хурматига сазовор бўлганим, деб биламан. Шу билан бирга, 1992 йили Тиббиёт фанлари номзодлик илмий ишнинг ёқладим. Ҳозирда жарроҳлик қилиш билан бир қаторда ёш, етуқ мутахассис шифокорларни етиштиришда 15 йилдан бери педагог бўлиб ишлаб келаман.

— Сирожиддин ака, келинг, фаолиятингиздан бироз четга чиқсак-да, қизиқишларингиз ҳақида ҳам суҳбатлашсак. Табиатга муносабатингиз қандай?

— Жуда яхши савол бердингиз. Биласизми, мен табиатни жуда севаман. Ишдан чарчаб келганимда, табиат кучоғида дам оламан. Яна сайёҳ сифатида чет давлатларга боришни ёқтираман. Мен Франция, Англия, Германия, Бельгия, Нидерландия, Италия, Арабистон давлатларида саёҳатда бўлганман. Бир жойни икки марта кўришни эса ёқтирмайман.

— Сиздаги хобби...

— Энг яхши кўрганам шахмат. Бу менинг хоббим. Яна одамлар билан суҳбатлашни, от минишни хуш кўраман. От маси биландир мени ўзига тартади. Ёшлигимда уйимизда отимиз бўларди. Уни кўчага ўтлаб келиши учун қўйиб юборардик, кечаси ўзи қайтиб келарди. Менга отнинг эгасига вафодорлиги ёқади.

— Сирожиддин ака, талабалар шифокорлик касбини мукамал эгаллашлари учун етарли имкониятларга эгами?

— Бизнинг пайтимизда кутубхонадан ки-

тоб олиш учун навбат кутиб турардик. Ҳозирда кутубхоналарда ўқув китоблари кўп, интернет орқали ҳам дунёнинг хоҳлаган бурчагидан керакли маълумотни олиш мумкин. Олдинлари фақатгина Россия медицинасидан маълумот олар эдик. Мустақиллик шарофати билан дунё медицинасидан хабардор бўлаёلمиз.

— Экстрасенсларга, табибларга муносабатингиз?

— Бизнинг халқимиз жуда ишонувчан халқ. Жуда кўп сохта табиблар ўзини реклама қилиш йўли билан одамларни "даволашяпти". Ваҳоланки, яхши экстрасенсга ҳам, табибга ҳам аслида реклама керак эмас. Яхши табибга табиблик ҳислати юқтирилган бўлади. Бекорга "қўли энгил" дейишмайди. Табиб бемор суҳбатидан кейин ўзини 50 фоиз энгил сезмасе, у табиб эмас.

— Касбингизнинг қийин, машаққатли томонлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз. Жарроҳлик операциясида мушкул аҳволга тушган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Жарроҳ аввало операциядан олдин ўзини соғлигини текшириб кўриши керак. Жарроҳнинг соғлиги яхши, оиласидан кўнгли хотиржам бўлиши шарт. Шундагина ишда муваффақият бўлади. Беморга биринчи ёрдамни беролмаган пайтларимда ўзимдан хафа бўлиб кетаман. Сабаби, кўпинча улар ҳар хил табибларга бориб касалликнинг кучайиб кетишига олиб келишади. Бундай пайтларда чора топишга анча қийналиб қоламан. Лекин бундай вазият иш фаолиятимда камдан кам учраган.

— Шогирдларингиз ҳам бўлса керак...

— Албатта, шогирдларим жуда кўп. Улар ҳозирда республикамизнинг турли вилоятлари тиббиёт соҳасида халқимизга хизмат қилишмоқда. Ҳозирги ёшларнинг фикр доираси кенг, уларни кузатганимда юртимизга фойдаси тегадиган кадрлар етиштириб қайтганига амин бўламан. Шогирдларимнинг бир нечтаси эса бугунги кунда ўзим билан ҳамкасб бўлиб ишлашмоқда.

— Сирожиддин ака, сизга ўхшаб келажакда шифокор бўлишни орзу қилаётган ёшларга нима деган бўлардингиз?

— Энг асосийси, мақсадни тўғри қўйиш ва шу мақсадга интилиш, мақсадга етиш йўлида ҳар қандай тўсиқларни энгил ўтиш лозим бўлади. Инсон қилган ишни инсон қила олади. Хоҳиш ва интилиш бўлса бас!..

Шаҳноза Солиқова
суҳбатлашди

Соғлиғимиз руҳиятимизга қанчалик боғлиқлиги ҳақида ҳар доим ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Аслида эса шундай экан. Тиббиёт фанлари номзоди, доцент, “Мадади Сино” соғломлаштириш академияси раиси, Соғлиқни сақлаш аълочиси, инсон руҳияти ва саломатлик ҳақидаги бир неча асарлар муаллифи Абдукарим Усмонхўжаев билан суҳбатимиз ана шу ҳақда.

— **Аввало, саломатликнинг инсон руҳияти билан боғлиқлиги ҳақида тўхталсангиз?**

— Одамзод бу дунёда яшар экан, вақти-вақти билан уни қандайдир ноаниқ бир ваҳима, кўрқув безовта қилиб туради. Кўрқув ҳолати оддий, одатдаги вазиятларда ҳам пайдо бўлаверади. Ваҳима, кўрқув эса одамнинг мўтадил ахлоқи-хулқи ва руҳий фаолиятларининг иккиламчи бузилишини келтириб чиқаради.

Инсон бирор касалликка йўлиқар экан, аввало унинг руҳияти хасталанган бўлади. Вужуд касалланса — шифокор ёрдам беради, аммо руҳият бузилса — одам ўз ички воситаларини онгли равишда ишга солиши талаб қилинади. Демак, киши онгли равишда ўз-ўзини бошқариши керак ва зарур.

— **Руҳият касалланмаслигини таъминлашимиз зарур экан, бунга эришишнинг ҳам йўллари бордир?**

— Албатта, инсон бор-йўғи бешта руҳий сабабга кўра касалланади. Булар қаҳр-ғазаб, хафагарчйлик (алам) айбдорлик ҳисси, инжиқлик, ҳаётдан кўрқиш. Айнан мана шу бешта сабаб тўғрисида кишилар дардга чалинадилар. Шу ҳолатлар кишидан йироқ бўлса, у руҳан соғлом ва жисмонан бақувват бўлади.

Руҳият ўзига хос алоҳида бир олам эмас: у тирикликка хос ҳаётнинг юксак

шакллари билан бири. Энг муҳими, инсонда руҳий ҳаётнинг юксак шакли — онг бор. Руҳий ҳаёт ҳодисалари жуда хилма-хил, аммо бир-бири билан ўзаро боғланган бўлади. Руҳшуносликнинг вазифаси ана шу боғланиш ва муносабатларнинг қонуниятларини очиб беришдир. Кўнгилсиз воқеа юз берганида, инсон унга тоқат қила олади, аммо бирор нарсадан хавотирланиш одам учун кўпгина ҳолларда жуда азобли бўлиб ту-

орқали бутун вужудга тарқалади, ҳар хил касалликлар кўринишидаги жисмоний заифликка сабаб бўлади.

— **Тузалмайдиган касаллик борми?**

— Бедаво дарднинг ўзи йўқ. Фақат бедаво дунёқараш, тўғрироғи, атрофмуҳитга нисбатан нотўғри муносабат бор. Кишининг дардга чалиниши ҳам, шифо топиши ҳам унинг ўзида, дунёқарашда, яъни ўраб турган атрофмуҳитга, ён-атрофдаги кишиларга нисбатан қандай муносабатда бўлишидир. Масалан, саратон касаллиги

одамлар онгида бедаво дард сифатида ўрнашиб қолган.

Қанчалик кўп муолажалар қилинса-да, беморларнинг кам қисми бу касалликдан даво топишади.

Нобель мукофоти совриндори, адиб Габриэл Гарсиа Маркес ҳам бу касалликка чалинган эди.

Ҳеч қандай умид йўқлиги учун уни операция қилишга ҳам қўл уришмади.

Шифокорлар унинг умри бир ойга ҳам етмайди, деб башорат қилишди.

Ёзувчи ўз яқинларига мактублар битиб, рози-ризолик тилаб, улар билан видолашади.

Лекин соғломлаштириш усули билан муттасил шуғулланиб бориб, бир неча ойдан сўнг эса бутунлай тузалиб кетади.

Бу олис ўтмишда эмас, балки 1999 йилда содир бўлган воқеа.

— **Демак, инсон саломатлиги руҳиятни соғломлаштириш орқали эришиш мумкин, демоқчисиз...**

— Ҳа, Сукрот айтганидек, танани даволаш учун аввало руҳни соғломлаштириш лозим.

Феруза Қувонова суҳбатлашди

САЛОМАТЛИК СИРМ



юла-ди. Лев Толстой ўз асарларида одамнинг руҳий ҳолатини ифодаловчи нигоҳларнинг 85 хилини тасвирлаб берган. Инсоннинг ўзини англаши, унинг ўз “мен”ини топиши фақат маънавий тўғриватини юз беради. Маънавий жиҳатдан руҳан озод бўлмаган киши ўзини жисмонан ҳам озод ва соғлом тутмайди. Маънавий жиҳатдан эркин бўлмаган одамда ҳур ва мустақил фикрлаш ҳам заиф бўлади. Хуллас, руҳий ва маънавий хасталик бош мия, асаб ва эндокрин тизимлари



Озодликнинг дастлабки кунлариданоқ республикамызда ёшларга алоҳида эътибор берилди бошланди. Натижада бу борада эришяётган ютуқларимиз дунё миқёсида ибрат даражасига етмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Жиззах вилояти ҳокимлиги Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасида бўлиб, бошқарма бошлиғи Асрор Қобиловга бир неча саволлар билан муросаат этди.

ШОҶСУПА САРИ ЙЎЛ

— Асрор Асқарович, вилоят касб-хунар коллежларининг фаолияти тўғрисида гапириб берсангиз?

— “Таълим тўғрисида”ги Қонун талаблари доирасида фаолият кўрсатаётган бошқармамызга қарашли 34 та касб-хунар коллежлари ва 2 та академик лицейда айни пайтда 24900 нафар талаба тахсил олмоқда. Таълим-тарбия ишларини олиб бораётган 1720 нафар педагог кадрларимизнинг 35 нафари фан номзоди ва 250 нафари эса олий тоифали ўқитувчилар. Талабаларга сифатли билим бериш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилмоқда.

— Чет эл инвестициялари ҳисобидан қурилган ўқув даргоҳлари ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Виловтимизда фаолият кўрсатаётган ўқув даргоҳларининг 6 таси Япония кредити асосида қурилган бўлиб, булар — Бахмал, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл, Зарбдор, Зомин туманларида жойлашган. Осиё тараққиёти банки кредити ҳисобидан қурилган Зафаробод қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ва Жиззах шаҳридаги енгил саноат коллежларида ёшларимиз энг сўнги фан-техника янгилликлари асосида ўқитилмоқда. Навбатдаги транспорт ва алоқа коллежини эса Германия

кредити асосида қуриш мўлжалланмоқда. Янги, замонавий типда қуриляётган билим юртларида ёшларнинг мустақкам билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинганки, кўриб ҳавасингиз келадди.

— Хорижий давлатлар кредити асосида қуриляётган биналардаги техника воситаларидан фойдаланиш қийинчилик туғдирмаяптими?

— Коллежларимиздаги мавжуд техник жиҳозлардан фойдаланиш борасида муаммоларимиз йўқ. Чунки, Япония, Корея, Германия ва Польшадан келтирилган жиҳозларнинг барчасини аввало махсус тайёрларидан ўтган ўқитувчиларимиз иштирокида ўқувчиларга ўргатиб борилади ва амалий машғулотларда тажриба сивовлари ўтказилади. Техник жиҳозлардан фойдаланиш борасида тез-тез кўргазмали семинарлар ўтказиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, коллежларимизнинг 22 тасида энг сўнги русумдаги “Pentium-4” маркали компьютерлар мавжуд эканлиги ва уларнинг барчаси интернетга уланганлигини таъкидламоқчиман. Бу бизга машғулотларимизни жаҳон талаблари даражасида олиб бориш имконини беради. Мутахассисларимизнинг кўпчилиги Корея, Япония, Австралия, Ка-

нада ва Америкада малака ошириб келишди.

— Асрор Асқарович, касб-хунар коллежларининг аввалги СПТУлардан фарқини изоҳлаб берсангиз?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, аввало таълим-тарбия жараёни тубдан фарқ қилади. Касб-хунар коллежини битирган талабага ҳозирги пайтда ўрта махсус маълумотга эга деган диплом берилади. Илгари аттестат бериларди. Яна бир диққатга сазовор томони шундаки, энди фақат касб-хунар коллежларини битирганларни олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларига ўқишга қабул қилишади. Илгари бундай имтиёзлар йўқ эди.

Дарҳақиқат, ишнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонун асосида ташкил этилиши ҳар жиҳатдан қулайликларга эгадир. Барча ўқув юртларига зарур бўлган шарт-шароитлар яратиб берилгани ҳолда эркинликлар ҳам берилди. Бошқарма тасаруфида айна пайтда жами 320 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, деҳқончиликдан олинаётган маблағлар эса талабаларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш ишларига йуналтирилган.

Коллежлар фаолияти билан танишиш жараёнида жойларда физкультура ва спорт ишларининг ҳам кўнгилдагидек олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Айна пайтда вилоят миқёсида қуйи бўғинларда саралаш ўйинлари яқунланиш арафасида. Мақсад — Тошкент вилоятида бўладиган “Баркамол авлод” ўйинларида актив қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиш. Олиб борилаётган ишларни шарҳлаб бериш учун бошқарманинг жисмоний тарбия ва спорт бўлими мутахассиси Неъмат Ориповни суҳбатга тортдик.

— “Соғлом танда соғ ақл” деб бежизга айтишмаган, — дейди у. — Ёшларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини намунали ташкил этсак,

бу ўқув-тарбия ишларига ҳам ижобий таъсир ўтказлади. Шунинг учун баҳор-ёз ойларида ўтказиладиган “Баркамол авлод” ўйинларида қатнашиш учун спортнинг 15 тури бўйича уч босқичда саралаш мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар аниқланди.

Бўлажак чемпионларни тарбиялашда мураббийларимизнинг хизматлари катта бўлмоқда. Айниқса, енгил атлетика бўйича Алишер Толипов, боксдан Қаҳрамон Каримов, кураш бўйича Алишер Тилаков, Эргаш Маъмуров, баскетбол бўйича Абдуқаҳор Абдужабборов, волейбол бўйича Одил Умаровларнинг бу йилги сўйиш-ҳаракатлари ўзгача. 2003 йилда бўлиб ўтган спорт беллашувларида иштирок этган талабаларимиз ва мураббийларимизнинг маҳоратлари янада ошди. Андижондаги “Баркамол авлод” ўйинларида 2 та олтин, 1 та кумуш ва 6 та бронза медали қўлга киритилди. Бу борада талабаларимиздан боксчи Жавлон Каримов, енгил атлетикачи Лазиз Болтаевлар олтин ва боксчи Элмурод Зокиров эса кумуш медаль совриндори бўлишиб, вилоятимиз обрўсини яна бир поғонага кўтаришди. Бўлажак спорт ўйинлари олдимишга жуда катта вазифаларни қўймоқда. Олдинги беллашувларда йўл қўйилган хато-камчиликлардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда тайёргарлик ишларини жид-

дий олиб боряпмиз. Ушбу анжумандан умидимиз катта.

Фурсатдан фойдаланиб, бир қувончли хабарни айтиб ўтмоқчиман. Яқинда Англияда ўзбек кураши бўйича Президентимиз Ислоҳ Каримов Халқаро турнирида собиқ талабаларимиздан Олим Равшанов ва Искандар Ҳайдаровлар фаол иштирок этишди. Жаҳоннинг барча давлатларидан вакиллар қатнашган мазкур спорт анжумани ўзбек ўғлонлари учун катта синов майдонига айланди ва курашчиларимиз иккита олтин медаль совриндори бўлишди. Ишончим комилки, Олим Равшанов ва Искандар Ҳайдаровнинг издошлари ҳали кўплаб спорт анжуманларида ғолиблик шохсупасидан жой олишиб, мамлакатимизни жаҳонга танитишади.

Ёш авлоднинг таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасида экан, Жиззах вилояти касб-хунар коллежларида ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилмоқда. Бу йил яна 6 та касб-хунар коллежи чет эл кредитлари асосида лойиҳалаштирилиши режага киритилган. Мазкур лойиҳалар Англия ва Испания давлатлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Айна пайтда режадаги лойиҳа юзасидан махсус малакали кадрлар тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Дононгул ЖўРАЕВА



ЮЛДУЗЛАРИ ОЛИС ОСМОН

Ёзининг илиқ кунлари эди. Пахталик рўмолга тугилган битта буғдой нон ва бир коса чучварани қўлида мақкам тутганча Орип Бозор биргадирнинг шийпони сари елиб борарди. Бозор биргадир хўжалиқдаги энг илғор бригадалардан бўлгани учун шийпони ўз даврида замонавий типда қурилган, икки томонида қам алоқида айвон, алоқида эшик-лари бор, бир тарафи эркакларга, иккинчи тарафи эса хотин-халажга мўлжалланганди. Атрофи кенг қилиб асфальтланган, ошхонаси, омборхонаси қам алоқида эди. Шийпоннинг ўнг тарафида артизан қудуғи бўлиб, ёнлаб ўтган ариқдан оқаётган зилол сув бўйларига мевали дарахтлар, турли анвойи гуллар экилганди. Чап тарафидаги тутзор эса ўзига хос қайбат бағишлаб турарди.

Орип қадами тезлатди. Шу пайт орқа тарафдан молига ўт олиб келиш учун эшакда далага кетаётган Розик келиб қолди.

— Ҳой Орип, тўхтаб тур, зўр гап айтаман, — гарчи эшакнинг йўргалаб юриши Орипнинг қадамларидан илдам бўлса-да, Розик ичидаги гапини тезроқ айтгиси келди.

— Нима дейсан, гапира қол, отамга овқат олиб кетаялман.

— Биласаними, Бозор биргадди ўғли велосипед сотиб олибди.

— Янгими?

— Эй, отаси биргад бўлса, эскисини оладими? Ҳозир шийпоннинг олдидаги асфальтда учаётган экан.

— Юр, бориб кўрамиз.

— Йўқ, ўт олиб келмасам теримга сомон тикади энам, биласан-ку, — дея Розик ҳалачўпнинг учини эшакнинг бўйнига ниқтаб, юришини тезлаштирди.

Орипнинг кўнглида шийпонга тезроқ етиб олиш иштиёқи янада кучайди. Юраги тошиб, илдамлаб кетди.

Отаси Абдулла бобо юз-қўлини ювиб, белбоғига артинаётганда, Орипнинг ҳаллослаб келаётганига кўзи тушди.

— Ҳа-ҳа, бунча ҳовлиқасан? Тинчликми ўзи?

Орип кулимсираб бош ирғаб қўйди.

— Ўзинг ҳам ўтир! Нафас ростлаб ол, — дея Абдулла бобо мўъжазгина ёзилган дастурхон атрофига чўккалади. Шу пайт шийпон айвони олдида Али велосипедини физиллатиб ҳайдаб ўтди. Орип ўрнидан сапчиб турмоқчи бўлди-ю, отасининг раъйига қаради.

Орипга гўё шу лаҳзаларда соат миллари тўхтаб қолгандек эди. Унинг сабр торлари таранглашди, пешонасида тер пайдо бўлди. Беихтиёр бармоқларини бир-бирига кийдирди.

— Эй, бола, кўлингни кишан қилма, ёмон бўлади, — деб қўйди отаси.

Орип нимага ёмон бўлишини билмасди. Шу лаҳзаларда буни билишга қизиқиши ҳам йўқ эди. Унинг фикри хаёли кўчада эди. Унинг бахтига Али қақриб қолди.

— Орип, келмайсанми, қара, велосипед олдим. "Урал", "28", ялтирайди. Бунақаси ҳеч кимда йўқ.

Орип отасига қаради. Абдулла бобо пиёладаги чойини хўплади-да, "бора қол", ишорасини қилди.

— Қанчага олдинг? Менга ҳам ўргат.

— Ўзи эллик саккиз сўмга олдирдим. Синдириб қўясан.

— Битта учай, майлими?

— Йўқ, дедим-ку! Қара, мен қандай учаман. Сен ҳам ана шундай учишни ўргансанг, бериб тураман.

— Ў, қизганчиқ, бир марта учимизга қизғандинг-а?

Али бу пайтда велосипедини миниб ундан анча олислаб кетганди.

Унинг эси дарди велосипед бўлиб қолди. Отасига айтса олиб берармикан, эҳ қандай зўр! Ахир, унинг ўзининг велосипеди бўларди. "Бари-бир олдираман. Мана, кўрасан. Ўртоқларимга бир мақтанай. Алини умум-

ман миндирмайман", хаёлидан ўтказди Орип. Аммо юрагидаги гашлик тарқалмади.

Уйига келгач эса юмушлар билан бўлиб, бир оз чалғиди. Кун кеч бўлганини сезмай қолди. Кечки овқатдан кейин онасига ёрилди:

— Эна, отамга айтинг, менга велосипед олиб берсин.

— Бу гапни қаердан олдинг?

— Ана у, Бозор биргадди ўғли Али бор-ку, велосипед олибди-ку!

— Унинг отасининг пули бор, олиб беради-да. Сенинг отанг мана бу саккизта жўжа-бирдай жонни боқаман, деб эртаю кеч тиним билмайди.

— Эллик саккиз сўм турар экан, олиб берса нима қилибди, — йилламоқдан бери бўлди Орип.

Барибир она, она-да:

— Ҳа, майли, эртага отанг келсин, айтаман. Энди бор, дамингни ол.

Аслида онасининг гапида жон бор. Абдулла бобо иккинчи жаҳон урушида ўнг оёғидан жароҳат олган. Ўзининг айтишича, ўрмонда милтиқ отишни ўрганаётганда "ҳамма ер ости қапага яширинсин!" — деган буйруқ бўлган, ўттиз ёшдаги қирчиллама йигит эмасми, ҳаммадан биринчи бориб, ўзини қапага урган. Шу пайт снаряд айнан қапа эшиги ёнида портлаган-у, унинг парчаси ўнг оёғининг гўштини олиб кетган. Суяги ҳам дарз еган экан. Ҳатто госпиталда оёғининг кесамиз, дейишибди. Бобо кўнмагач, дўхтирларнинг каттаси келиб, "ўзим тузатаман, ҳали яна жангга киради бу", деб оёғини сақлаб қолган экан. Абдулла бобо бошқа жангга кирмаган-у, лекин ногирон бўлиб қишлоққа қайтиб келган. Шу-шу оғир ишга ярамайди. Дала қоровули бўлиб юради. Ойлик иш ҳақи ҳам ҳаминқадар. Бироқ буни Орип ҳали англаб етадиган даражада ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган эмас. Унга велосипед бўлса бўлди.

Мана қишлоқ узра яна тонг отди. Ёз кунлари Ҳисор тоғлари бағридан эниб тушадиган шабада кўнгишларга завқ улашади. Бор нафасинг билан симирсанг бутун вужудинг даги хорғинлик тарқаб кетади. Орип эрталабдан онасига меҳрибон, нима юмуш буюрса йўқ, демай бажарарди.

Абдулла бобо ҳар икки-уч кунда уйга чошгоҳда келиб, бола-чақаси, мол-ҳолидан хабар олиб кетади. Бугун ҳам шундай бўлди.

— Болаларинг тузукми? Иссиқ овқатларинг борми? — "Бор" ишорасини қилди Орип-

нинг онаси. — Ҳа, тузук. Бирон гапинг борга ўхшайди, чоғланаясан?

— Шу Орипингиз, хархаша қилаяпти. Битта велосипед олиб берсак, нима қиларкин-а.

Абдулла бобо чуқур ўйга толди. Бундай пайтлари оёғидаги яраси қайта янгилангандек, юзлари бужмая бошлайди. Қошлари бирибирига туташади. Кўзлари чўққини кўзлаётган бургутнинг кўзларига ўхшаб, узоқларга теран боқади.

— Кеча нега бунча ҳовлиқади, десам гап бу ёқда экан-да. Каттанг мактабни тугатаяпти. Уни тракторчиликка ўқитиш керак. Кегин битта чоғроққина том солсак, уйлантирсак яшарди-да...

Орип тандирнинг орқасига ўтириб олиб ҳамма гапни эшитиб турарди.

— Бозор биргад билан яхшисиз. Бир гаплашсангиз, бирор энгилроқ иш берар. Жилла курса пул топиб олар, шу зормандани.

— Ҳай, майли, айтиб кўрай-чи. Энди ўзи-га айтмай тур. Қалови келса велосипедли ҳам бўлиб қолар.

Эҳ, Орипнинг хурсандлигини, кўшиқ айтиб, рақса тушгиси келар, тошни урса майдалаб ташлашга қодир паҳлавондек сезарди ўзини.

Ёзда бўйга етган қизлар гўзалар атрофини бегона ўтдан тозалашади. Тоза ичимлик суви чиқазадиган артизан кудуғи эса фақат шийпоннинг ёнида бор. Орип ҳар куни чошгоҳдан кейин эшакка икки алюмин бедонни ортиб, тоза сувга тўлғазади-да, қизлар ишлаётган жойга олиб боради. Аср пайтида эса бедонларни олиб қайтади. Бу унча оғир иш эмас. Ўйнаб-ўйнаб бажарса бўлади. Қолаверса, оладиган янги велосипед иштиёқи уни ғайратли қилиб қўйганди.

Кунлар ҳам аста-секин ўта бошлади. Ой охирлагани сайин Орипнинг орзулари юксалиб борди. Ҳатто "28" маркали "Урал" велосипед унинг тушларига кириб чиқар, шийпон атрофидаги асфальтланган майдонда мазза қилиб учиб юрар, ўртоқлари эса унга ҳавас билан қараб туришарди. Булар туш эканлигидан қатъий назар, Орип барибир хурсанд эди...

Орип бедонлар тўла сувни далада чопиқ қилаётган қизлар ёнига қўйди. Эшагини миниб уйига қараб кетди. Отасига овқат олиб бориши керак. Катта йўлга чиққанда, эшагини чоптириб Розик етиб келди.

— Орип, ўзингми? Сени ахтариб келаё-

тувдим. Эшитдингми? Эртага бозор биргад пул тарқатаркан.

— Сен қаердан билдинг?

— Отам знамга "Эртан ойлик иш ҳақимни оламан. Бозор-ўчар қиламиз. Бугун бир амаллаб туринглап", деди.

Орип эшагининг орқасига босиб-босиб халачўп урди. Эшак жонивор ҳам оғриқ зўридан йўрғалаб кетди. Куни билан унинг кайфияти чоғ эди. Эртага велосипед олдираман, деб кўрганга мақтаниб айтиб юрди. Эрта тонгданоқ шийпонга йўл олди.

— Неварам, пулингни отанг қўл қўйиб олди. Ишлайверасанми ёки ўрнингга дадилроқ болани қўяйми? — Бозор биргад мамнун гапирди. Демак, Орипнинг ишидан кўнгли тўлган. Тўғриси, Орип ҳам бу ишга ўрганиб қолганди.

— Ишлавераман. Оғир эмас-ку!

— Баракалла, неварам, — Бозор биргад шийпондан узоқлашди.

Орип ийманибгина отасига яқинлашди. Бирон гап айтармикан, деб оғзини пойлади. Отаси ҳам буни сезди, шекилли:

— Болам, эртага жума. Яхши кун. Эрта-лаб бозорга тушиб келаман. Палак қоровул Хўжакул бобонг бор-ку, эшагини сўрадим. Сен ишингни қилавер.

Атиги бир кун. Эртага орзуси ушалади. Лекин бир кун бир ойга тенг бўлди. Худди куёш осмонда туриб қолгандек эди. Орип ўзини кўярга жой тополмас, ҳеч бир жойда тинч тургиси келмасди. Энг ёмони, Розик ундан ажралмас, ҳар гал "Мени ҳам учирасанми?", деб сўрагани-сўраган эди. Хайрият, осмоннинг қоши қорая бошлади. Хўжалик аъзолари аста-секин уйларига тарқай бошлади. Орипнинг эса ҳеч кетгиси йўқ. Иложини топса-ю, шийпонда ётиб қолса. Гўё уйига кетса ҳеч вақосиз қоладигандек эди. Лекин, барибир уйига бориши керак.

Абдулла бобо саҳар туриб бозор жўнади. "Болалар дунёси" дўконини сўраб-сўраб топиб борди. Катта-кичик велосипедлар қалашиб ётарди. Ана, ўғли айтган велосипед ҳам бор экан. Дўкон мудиридан тушликка қачон чиқишини сўраб билди-да, рўзғорга у-бу олгани бозорга тушди. Ўзбекининг бозори кўрган одамни, албатта, маҳлиё қилади. Расталарда товланиб турган полиз маҳсулотлари дейсизми, сабзавотларми, бари-баридан олгингиз келади. Албатта, бозор борган одамнинг сабзи со-

тиб олиши одат тусига кирган. Чунки қайтишда йўлда учраган болалар: "Бозорлик ташлаб кетинг", дея бақир-чақир қилишадди. Шунда сабзи ташлаб ўтишади. Бу эскирдан қолган одат. Абдулла бобо бозорликни қилиб бўлгач, дўконга қараб юрди. "28" маркали, "Урал" велосипедини сотиб олмоқчилигини айтганида дўкон мудирини хазиначи пулини тўлаб, чек олишини айтди, хазиначи ёнида чўнтагини қанча қовламасин пули етмади. Атиги икки сўм кам чиқди.

— Эҳ, аттанг, уйга нима дейман энди? Бир ой ишловди-я, — Абдулла бобо ўйланиб қолди.

— Отахон, эртага ҳам ишлаймиз, бемалол келиб олиб кетаверасиз. Ёнига икки сўм қўшиб келсангиз бас, — деди хазиначи.

Абдулла бобо уйга хомуш қайтарди. Йўлда мол бозоридан қайтаётган, кўшни қишлоқлик тенгдоши Ҳаким бобо учраб қолди.

— Эй, Абдулла, ўзингмисан, ҳа, пулини олдирган лапашангдай бўлиб паришон келаясан?

— Жўра, нимасини айтасан, ўғлимга велосипед олишга келгандим. Икки сўм етмай қолса-да, жуда хуноб бўладиган бўлди-да.

— Шунга шунчами, эй, менга қара, ўзимни жайдари қўйларимдан уч-тўрттасини бозорга олиб келувдим. Шу ширбоз сотилмай қолди. Тоза қўй. Майли, сенга насиб қилган экан, бор пулингга ол, сенга, арзон бўлсам майли. Боланг бир ҳафта боқса икки баробар сотасан. Келаси жума олиб берасан-да. Ўйланма, бир ҳафта ўтади-кетади. Ке, баракасини берсин, де!

Абдулла бобо узоқ ўйланди. Бир ҳисобга жўрасининг гапида жон бор. Ол, деган пайти олгани маъқул, келаси жума бозорга яна келиб кетар...

Дунёнинг ишлари қизиқ. Ҳар ким ўз билганини, қилаётган ишини энг тўғри, энг мақбул, деб ўйлайди. Абдулла бобо Орипга ётиги билан тушунтирди. Орип хўжаликдаги ишини ташлаб қўй боқишга ўтди. Аммо ширбоз жонивор бир ҳафтага етиб бормади. Жумага бир кун қолганда, тонг саҳарда ҳаром қотди. Абдулла бобо жўрасининг кўк йўталга чалинган қўйини авраб сотиб кетганлигини кеч англади...

Юсуф ХУДОЙҚУЛ

ОҚОЛТИНЛИКЛАР МАТБУОТГА БЕФАРҚ-МИ?

Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани Мирзачўл воҳасининг ўртасида жойлашган. Бир замонлар етмиш минг тоннадан ошириб пахта етиштириб, доврў таратган туманлардан бири. Ҳозир ҳам туманнинг вилоятдаги ўрни салмоқли. Туманда тўртта коллеж, 18 та мактаб мавжуд бўлиб, тўққиз мингдан зиёд ўқувчи ва мингдан зиёд талабалар фан сирларидан сабоқ олмоқда. Туманнинг асосини ёшлар ташкил этади, десак янглишмаймиз. Туманда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ёшлар билан ҳамнафасликда фаолият юритиб келмоқда.

Бироқ туман ҳокимлиги ва баъзи ташкилот раҳбарлари матбуотга ғайрича кўз билан қарашини ҳам айтиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўларди. Вилоят ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари билан учрашганимизда туманлардаги ёшларнинг бугунги ҳаёти, уларни қизиқтираётган фикрлар, қишлоқда яшаётган тенгқурларнинг маданий савиясини ошириш, касб-ҳунар танлашларига яқиндан ёрдам бериш, ёт оқимларга кириб қолишларининг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар ҳақида илиқ гапларни эшитиб, ёшларга қилинаётган ғамхўрликларга ҳавас қилган эдик. Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши раиси Муродилло Азизов билан суҳбатлашганимизда ҳам бунга амин бўлган эдик. Ўша суҳбатда вилоят аҳолиси 670,0 минг нафар, аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини ва ҳозирги пайтда вилоят Кенгаши аъзоларининг сони 130 768 нафардан зиёд эканлигини ҳам билиб олдик. Демак, ёшларга оид нашрларга обуна бўлиш учун етарли манба мавжуд ва ундан оқилна фойдаланиш мумкин. Шу ўринда ёшлар нашрлари Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Ёшларнинг ўнлаб йиллардан буён сеvimли журнали бўлиб келаётган "Ёш куч" ҳам "Камолот"чилар-

ники, десак адашмаймиз. Афсуски, "Ёш куч" журнали обунасига эътибор берилмаган. Очиғини айтганда, бошқа вилоятларда мингдан зиёд обуначиларга эга бўлган журналга Сирдарё вилояти бўйича атиги 173 та журналхон топилибди, холос. 130,0 мингдан зиёд вилоят Кенгаши аъзолари бўлган вилоятда бу қанча фоизни ташкил этишини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг...

Оқолтин тумани Кенгашида бўлганимизда бир жиҳатга аҳамият беришга тўғри келди. Туман ҳокимининг ёрдамчисига учрашиб, "рўйхат"дан ўтганимиздан кейин, Ҳаракатнинг туман Кенгаши раиси Нигора Ҳасановани узоқ кутдик. Кенгашда атиги икки киши ишлар экан. Ҳисобчи ва Кенгаш раиси... Ҳисобчи ҳужжатларимизни кўриб, раисни ахтариб кетди. Узоқ кутишдан чарчаб, туман Халқ таълими бўлимига бориб, ёшларга оид нашрларга обуна қандай бўлганлиги билан қизиқдик. Мудир Абдурашул Исоқуллов ишга келмаганлиги, у Янгиер шаҳридан қатнашини ҳам билиб олдик. Узоқ йўл, қишнинг совуғи, йўлларнинг яхмалағлигини биз ҳам эътиборга олиб, мудир ўринбосари Рустам Ўрозалиевнинг қабулига кирдик. Ўринбосар ўз навбатида бўлимнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича услубчиси Абдураҳим Мирзараҳимовни чақириб, бизни қизиқтирган саволларга жавоб беришини тайинлади.

Афсуски, А.Мирзараҳимов бизнинг бирорта саволимизга жавоб бера олмади. Обуна тўғрисида унинг умуман тушунчаси йўқ экан. Услубчи билан "Ўзбекистон почтаси" туман бўлими тармоғи бошлиғи Кенжа Таниевнинг ҳузурига боришга мажбур бўлдик. Бошлиқ узундан-узоқ рўйхатларни титкилаб, "Ёш куч"га бўлинган обуна сонини топди! Саккиз нафар обуначи "Ёш куч" журналининг ўқувчиси бўлибди...

Тўққиз минг ўқувчи ва мингдан зиёд талабага эга бўлган туманда "Ёш куч"нинг

мухлислари атиги саккизта экан.

Бу ҳақда Ҳаракатнинг туман Кенгаши раиси шундай дейди:

— Биз ёшларнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати нашрларига эътиборини қаратдик. Лекин "Туркистон" газетаси ва "Ёш куч"га обуна камчиликни ташкил этди.

Тўғриси, туман "Камолот"чилари етакчиси туман Халқ таълими бўлими ва туман фермерлар уюшмаси раиси номига хат билан мурожаат қилибди. Хатда эса "Ёш куч" тўғрисида ҳеч гап йўқ!

Очиғини айтганда, Нигора Ҳасанованиннинг обуна масаласига енгиллик билан қараганига ҳайрон қолдик. Ҳаракат бўлибди-ю, самараси бўлмабди. Ҳатто:

— "Туркистон"га ... менимча ўн саккизта обуна бўлган, — деган жавоб билан қаноатланди.

Биз ёшларнинг бошқа нашрларига бўлинган обуна билан қизиқиб кўрдик. Почта тармоғидан олган маълумотимизга кўра, "Фунча" журналига 109 та, "Гулхан"га 80 та, "Тонг юлдузи"га 66 та, "Синфдош"га 47 та обуна бўлинган.

— Ҳаммаси маблағга бориб тақалаяпти, — дейди Нигора Ҳасанова, — газета ва журналлар эса кўп...

Хулоса қилиб айтганда, Оқолтин туманида матбуотга эътибор деярли йўқ. Ҳатто туман газетаси "Оқолтин овози"нинг адади атиги 450 та экан. 2005 йилнинг январ ойида битта сони чиқибди, холос. Туман ҳокими муассислигидаги газетаси эътибор шундай бўлган, бошқа нашрлар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади...

Бу ҳақда туман ҳокими Камолитдин Сулаймонов билан суҳбатлашмоқчи бўлдик. Бироқ ҳоким тушга яқин йиғилиш чақирилганини айтди. Фикрларимизни қоғозга тушириб, журнал орқали етказишни лозим топдик. У "Ёш куч"ни ўқимаса ҳам ўқиганлар етказар...

Сайдазам Рустамов

АФИНА-2004 ГА АЙЛАНАЁТГАН ЧИРЧИҚ

Ижодий сафар билан Чирчиқ томон отландик, борадиган жойимиз манзилини аниқ олмай чиққанамиздан бироз ҳижолат бўлди. “Баркамол авлод—2005” баҳсларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари бўладиган “Олимпия заҳиралари” касб-хунар коллежини 7 ёшдан 70 ёшгача барча билса керак деб ўйлагандик. Лекин бу коллежни қаердалигини сўраганимизда, баъзилар “Тошкентда бўлса керак”, деб жавоб қайтаришди. Кўпчилик спорт мактабини билишини, лекин унақа коллеж ҳақида эшитмаганини яшириб ўтиришмади. Кейин билсак, ўша “спорт мактаби” биз излаган коллеж экан. Коллеж директори Э.Юсупов бизни ўз муовини, шунингдек, мусобақани ўтказилиши бўйича масъул шахс Муяссар опа Тўраева билан таништириб қўйди. Шу боис асосий саволларимиз билан Муяссар опага юзландик.

— **Авваламбор, маҳаллий халқ учун “сирли” бўлган “Олимпия заҳиралари” касб-хунар коллежи хусусида бироз тўхталсангиз.**

— Коллежимиз 2004 йил октябр ойдан бери шу ном билан атала бошланди. Кўпчилик, ҳануз спорт мактаби, деб тушунади. Олдинлари республиканинг турли чеккаларидан ўқувчиларни қабул қилардик. Энди эса кўпроқ Тошкент вилоятидан ва спорт турлари бўйича республикада юқори натижаларни кўрсатган ўқувчиларни қабул қиляпмиз. Ҳозирда 474 та талаба ўқимокда. Шунлардан 411 таси давлат гранти асосида ўқишса, қолганлари шартнома асосида ўқишади. Талабаларнинг мусобақаларга боришлари учун маблағ ажратилади. Жаҳон чемпионлари билан эса алоҳида шуғулланилади.

— **Сизларда Жаҳон чемпионлари ҳам борми?**

— Албатта, бокс бўйича III курс талабамиз Илҳом Раҳимов ёшлар ўртасида иккинчи бор Жаҳон чемпиони бўлди. Оғир атлетика бўйича талабамиз Искандар Мўминов Осие чемпиони деган шарафга мушарраф бўлди.

— **Коллежда нечта бўлим фаолият юртимокда?**

— 9 та бўлим бор. Яъни, дзюдо, кураш, оғир ва енгил атлетика, эшак эшиш, байдарка, футбол. Шунингдек, Миллий кураш турларини ривожлантириш бўйича Турон спорт тўғарагини очганмиз.

— **“Баркамол авлод—2005” да спортчилар билан қандай натижаларни кутяпсизлар?**



— Агар барча спортга ихтисослашган коллежлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилса энг юқори натижа кўрсатишимизга ишонаман. Ҳар йили турли фанлар бўйича иқтидорли, илмли болаларни аниқлаш учун олимпиадалар ўтказилади. Биз қатнаша олмаямиз. Сабаби, бизнинг талабалар иқтидори спортда кўпроқ кўринади. Фикримча, Олимпия ўринбосарлари коллежлари орасида кўрик-танлов ташкил этилиб, иқтидорлиларни тақдирлаб бориш керак. “Баркамол авлод” баҳсларида биз республикадан ташқари, ўзимизнинг кичик жамоамиз билан иштирок этамиз. Чунки мутахассислигимиз шу, бошқа коллежларга қараганда савиямиз баланд ҳисобланади.

— **Савия ҳақида гапириб ўтдингиз, бунга ишончингиз қилми?**

— Қолган коллежлар билан спортга ихтисослашган коллежларни савиясини тенг, деб бўлмайди. Чунки бизнинг спортчиларимиз кунига 4-5 маҳал машғулот ўтказишади. Бошқа коллежлар эса нари борса ҳафтасига 2-3 марта шуғулланишади. Шунинг эътиборига олиб, махсус коллежларнинг алоҳида тушгани маъқул. Вилоят бошқичида ҳам спортчиларимиз ўзаро бир-бирлари билан баҳслашишади.

— **Ҳозир ўқиш давом этяптими?**

— Йўқ, ҳозирда талабалар фақат ўқув машғулотларида қатнашишяпти. Улар 3 ҳафта да-

вомида 4 ойда олган спорт натижаларини бирлаштириб имтиҳон топширишади.

— **Ташкилий масалалар қандай кетяпти?**

— Қурилиш ишлари 70 фоизга тугалланди, деб ўйлайман. 300 ўринли ётоқхонамиз ишга туширилди. “Баркамол авлод” ўйинлари бошлангунга қадар тайёр бўлишимиз шарт.

Қурилиш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида қурувчилар даврасига йўл олди. Қурилиш ишлари бўйича масъул Файрат Жўраевага бир-иккита саволлар билан муурожаат этдик.

— **Қурилиш ишлари чўзилиб кетмаяптими?**

— Ҳаво совуқлиги боис, ишлар бироз чўзиляпти. Чунки ётқизиладиган бетон ва бошқа нарсалар учун, албатта, иссиқлик керак бўлади. Йўқса, кейинчалик дош бермаслиги мумкин. Таъмирлаш ишларини март ойида якунлаб, апрелда топшираимиз.

— **Ҳомийлар ҳам борми?**

— Йўқ, барча маблағлар вилоят ҳокимлиги ҳисобидан бўляпти.

Шуни ҳам айтиш ўринлики, бу коллежда очилиш-ёпилиш маросимлари билан биргаликда оғир ва енгил атлетика, бокс, сузиш ва бадий гимнастика спорт турлари бўйича баҳслар ўтказилди.

Алишер Қораев

Хиёбонни кесиб ўтган асосий йўлга ташган йўлкалардан бири майдончага олиб боради. Майдончанинг ўртасида, доирасимон қилиб ўралган ва унумдор тупроқ билан тўлдирилган жойда ранг-баранг гуллар барқ уриб ўсади. Уларнинг бир текис, нозик қадлари энгил шамолда аста тебраниб, хушбўй ҳидлари атрофга таралади.

Гулларнинг чиройи кўзни қувнатади. Тиниқ, нафис ранглари кўнгилни яйратади. Гуё бутун олам эгзуликка, шодликка тўлгандек бўлади. Ҳатто йўлканинг энг охириги йўлкачасининг бир чеккасидаги, миттигина гулча ҳам бу шодиёнага қўшилаётгандек:

“Салом, сахий қуёш. Салом, ёруғ олам. Соф ҳаво, майин шамол, қандай ёқимли. Олам қанчалар гўзал...”

Хиёбон бўйлаб келаётган йигит ва қизни ҳам бу гўзаллик асир этган кўринади. Нозик ҳисларини қўзғаб, ҳаяжонга солади. Йигит нигоҳлари олисларда бўлса ҳам, бор эътибори қизга қаратилган. У дилидаги сўзларни бир-бир айтар экан, жавоб кутгандек тўхтади. Қиз кўзларини ердан узиб, четга қаради ва гулларга кўзи тушиб, улар томон юрди. Анвойи гуллар жилоси унинг эътиборини олганди, йигит гулнинг бирини аста узиб қизга узатди. Хиёл ийманиб олинган ва меҳр билан кўздан кечирилган гул, қизнинг ҳаяжон ила ураётган юраги тўридан жой олди. У сочларини тўғрилаган бўлиб, гулчага қаради ва ўзига ярашган кўйлагига бу гул айнан мос тушиб, ажиб бир уйғунлик касб этганини кўрди:

ЙЎЛКА ЧЕТИДАГИ ГУЛ

“Фақат угина мени тушуна олса керак. Чин севгимни ардоқлаб, қадрига етса керак...”

Гул беҳад бахтиёр эди:

“Мени асраб қўйинг. Мен севгингизни эсга соламан. Бахтингизга гувоҳ бўламан”.

“Биз ҳам, бизлар ҳам...”, — дейишарди турфа гуллар.

Фақат, ёлғиз миттигина гулча уларга жўр бўлолмади. Ўзини қизга раво кўрмади. Унинг учун осмон узоқ, ер қаттиқ. Энг қийини, у мутлақо ёлғиз. У ўз тақдирни бу нозик ва гўзал қизга раво кўргиси келмади. У қиз ва йигит ортидан хомуш қараб, япроқлари сўлгин тортиди.

Аммо у биледи, дунёда ҳеч бир нарса беҳуда яратилмайди. Унга аталгани балки жуда кичик, аҳамиятсиз бир нарсадир. Берадиган нафи эса, арзимас бир заррадир. Майлига, шунинг учун бўлса ҳам у яшаши ва тинимсиз ҳаракат қилиши лозим. Фақат бу қўпол бетонлар остидан, ёруғликка чиқиш учун, осмон қанчалар узоқ. Ҳар томондан сиқиб турган бу қирра тошлар ва бадбўй қора сақич орасидан, нурга етиш учун эса, ер нақадар қаттиқ. Лекин барибир, у интилиши керак. Интилиши ва яна интилиши...

Катта шаҳарнинг серқатнов кўчаси. Икки ёндаги баланд биноларнинг пастки қаватлари ойнаванд. Кенг ва ёруғ хоналардаги пештахталарга, чиройли қадоқланган турли маҳсулот ва буюмлар бир текис териб чиқилган. Уларни кўраётган харидорлар, қаерни моли қанақа экани ҳақида баҳс юриташади ва ўзларига ёққанини танлаб олишади. Чехраси очиқ сотувчилар эса, бу харидлари қанчалик тўғри бўлганини, мулоим табассум билан билдириб туришади. Харидор хушнуд чиқиб, чиройли кийимли одамлар оқимиға қўшилиб кетади.

Бир қарашда гўё ҳамма бахтли, роҳат қилиб яшаётгандек. Гўёки турмушда қийинчилик қолмаган-у, муҳтожлик ҳам бўлмагандек. Хатто, йўловчилар оқимидан ажралиб чиққан, жиддий қиёфаи бир йигитнинг ҳам, на бир қайғуси-ю, ҳеч бир армони ҳам йўқдек. У тўкин дўконларга ҳам, қандай хизматларга шай эканликлари ёрқин қилиб ёзиб қўйилган, серхашам ташкилотларга ҳам эътибор бермай, хиёбон томон юрди. Майдончага келди-да, ўтган кетганини кўзи тушадиган ўриндиққа ўтиргиси келмай, йўлқанинг охирига борди. Энг чеккадаги ингичка йўлқача бурилиб, қўли ўз-ўзидан сигарет олиб ёқар экан, сигарети тутаб бироз турди-да, ёнидаги газетни пастак бетон тўсиқ устига ёйиб ўтирди. Оғир хаёллардан боши эгик, кўзи газетдаги “Иш-

лаб чиқаришга кенг йўл” — деган сарлавҳага тушиб, сигаретини чуқурроқ тортиди. Муаммони ҳал қилишни йўлин тополмай, уринишни ҳеч фойдаси ҳам йўқ, дегандай бош чайқаб пуфлар экан, гулчага кўзи тушиб тўхтаб қолди. Бетонлар туташмай қолган жойдан униб чиққан ва тепасини бетон парчаси ёпиб қўйган, гулчанинг таъсирчан кўриниши ва ўзини аҳволи ўртасида, қандайдир бир ўхшашлик топгандек бўлди:

“Бу ҳам нобоб жойдан чиқибди. Унинг ҳам йўли ёпиқ, эгилиб қолибди. Лекин шунда ҳам кунга юз буриб, сабот билан ёруғликка интилиб турибди. Аммо ҳаммаси бекор. Бу аҳволда барибир, кимдир уни топтаб ўтади ёки ўзи сувсизликдан куриб қолади. Кун сал исиб кетса бўлди. Шундай экан, шунчалик заҳмат чекиб интилишининг, нима нафи бор? Машаққатли қисқа ҳаётдан қандай маъно бор?”

Шу пайт, бетонлар орасида кичик бир асалари пайдо бўлди. У ҳолсиз юриб келиб, гулча тепасидаги бетон тошига зўрга чиқиб олди-да, гулчага интилиб тирмашди. Гулча сал эгилса-да, унинг оғирлигига дош бера олди. Асалари гулча ширасидан озуқа олган сари ҳаракатлари тетиклашиб борар экан, тезда қанотларини ростлаб олди-да, визиллаб учганча кўздан узоқлашди. Бир дақиқалик бу ҳодиса йигитга ғалати таъсир қилди. Бармоғига сигарет чўғи тегиб куйдиргачгина ўзига келди:

“Мана, маъно қаерда экан! Гулчанинг интилишида қандай наф борлигини, ана у асаларидан сўраш керак экан. Унинг ҳаёти ҳозирни ўзидаёқ зое кетмади. Агар сенда ҳам, мана шу миттигина гулчадек журъат ва ишонч бўлганда эди. Унда унча-бунча миллионерлар ҳам қўл уришга кўрқадиган ишларни, саводсиз, қолоқ-нинг бир иш кунида топганига тўғри келадиган, шу бечора ойлигинг билан ҳам амалга ошира олар эдинг.

Ҳозир эса майли, йиллаб меҳнат-машаққатда эришганинг, арзигулик нарса бўлмас. Мўлжалдагиларни йўлга қўйишга эса, умринг ҳам етмас. Албатта, фойдани фақат нақд пул ёки қимматбаҳо буюм кўринишидагина тан оладиган аёлсифат одамлар, сени буткул омадсизга ҳам чиқаришар. Лекин барибир, ўз қўлинг билан яратганинг, кўпчиликка қандай наф келтираётганини кўрганингда, оғир меҳнатини енгил қилиб оммалашиб бораётганида, топадиганинг юксак бир маънавий хузур ва олий руҳий кўтаринкилигини, бошқа ҳеч қайси сердаромад ишдан топа олмайсан. Насиб қилса-ю, агар бирор кўринарлироқ натижага эриша олсанг-чи. Унда сенга қараган-

да имконлари чексиз бўлган қанчалаб кучли, иқтидорли одамлар ва сенга нисбатан минг маротаба моҳирроқ усталар бор. Улар четдан ташиб келтириб ёки нусха кўчириб чиқариб, ҳеч қачон фаровонликка эришиб бўлмаслигини яхши билишади. Ким билсин, жиддийроқ бирор ишга журъат қилолмай туришган бўлса, сенинг ютуғинг уларга қандайдир бир туртки бўлар. Нима бўлганда ҳам, бўлди, ҳаракат давом этади”.

Йигит ўрнидан туриб, гулча тепасидаги бетон парчасини кўчириб ташлади. Пулат сим бўлагини топиб, гулча атрофини тошлардан авайлаб тозалаб чиқди. Ўрнини пок тупроқ билан тўлдириб, гулча қадини ростлаб қўйди. Ҳовучида сув олиб келиб қуяр экан, кўзлари гулчада, хаёли эса олисларда эди:

— Бардам бўл, миттигина. Сенга ҳам аталгани бор ҳали.

Кунлар кетидан ойлар ўтди. Орадан анча вақт ўтиб, хиёбонда яна ўша йигит пайдо бўлди. Лекин у энди ёлғиз эмас, касбдош дўстлари билан бирга келишди. Улар қўпол бетон тўсиқларни олиб ташлаб, ўрнига ихчам қўйма панжаралар ўрнатишди. Унинг ортида эса, ёввойи ўт ва тошлардан тозаланган ҳамда ўғит солиб ишлов берилган жойда ранг-баранг гуллар барқ уриб ўсади энди. Улар билан бир қаторда, миттигина гулча уруғидан кўпайган яна кўплаб митти гулчалар ҳам, яйраб ўсиб яшнab туришади. Улардан келаётган жашбўй ислар атрофга худди майин куй каби таралар экан, бу гулчалар ҳам энди бутун олам ҳаёт қўшиғига, ўз овозлари билан қувонч ила жўр бўлишади.

Хиёбонга келган одамлар энг чекка жойларида ҳам гуркираб ўсаётган гуллардан баҳра олишар экан, уларни ҳимоя қилиб турган ихчам панжаранинг чиройли нақшларига ҳам эътибор қаратишади. Улар бу соф метал нақшларда, шарқона нозик дид ва нафосатни, албатта, сезишади. Лекин, бу нақшларни туташтириб турган гўзал безаклари нафис аммо мустақкам эканини сезишса ҳам, бу безаклар кучоғида ўсаётган митти гулчалар билан, айнан бир хил кўринишда эканига эса, эътибор беришмаса керак.

Бу қачон содир бўлади, номаълум. Ҳозирча эса бу бор-йўғи, гулчага сўнги бор қайрилиб қараган йигитнинг, кўз олдидан ўтган бир лаҳзалик бир лавҳа, халос.

Абдужаббор Раҳимов



ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

Ич кетишини оқ хўрда, нарфой суви,
оддий жийда ва қаттиқ нон тўхтатади.

Қуюлган қонни чилон жийда яхши су-
юлтиради.

Суюқликни хўплаб ичинг, шимириб
ичиш зарар.

Кўкрак оғриси, билингки, ўпканинг олд
томони шамоллаган бўлади.

Кўнгилайни айнишини беҳи, ёнғоқ, бодом,
жийда тўхтата олади.

Қизил лавлаги қонни кўпайтиради ва
тозалайди.

Ўпка сили касалини даволашда оф-
тобга товланиш ва бодом истеъмол қилиш
зарур бўлади.

Меъёрида гармдори истеъмол қилин-
са, одамнинг қон ўрама яхши ва овқатла-
ри тез ҳазм бўлади.

Суюқ овқатлар семиртиради, қуюқ
овқатлар оздиради.

Гуллар ичида инсон соғлиғига энг фой-
далиси — атиргул.

Иссиқ чойда ва иссиқ сувда асал қуя-
ди, яхшиси уни илиқ чойга ва илиқ сувга
аралаштириб ичинг.

Овқатни албатта ошқўқлар, сиркалар,
шакароб билан тановул қилинг. Шунда
саломат юрасиз.

Ёмғир, қор сувларидан чой қайнатиб
ичиш, ҳазм йўлларида даво бўлади.

Кунжутнинг оқи ҳам, қораси ҳам хоти-
рани тиклайди. Кунора 2 граммдан бир ой
мобайнида оч наҳорга истеъмол қилина-
ди.

Овқат билан суюқликни қўшиб ичманг.
Овқат еб бўлгач, бир оздан сўнг ичган
маъқул.

Ётиш олдидан икки пиёла қатиқни
ичиб уйқуга кетганда овқат тез ҳазм бўла-
ди.

Ухлаш олдидан ёнғоқ истеъмол қилиш
соғлиққа зарар.

Асал билан ёнғоқни ҳеч қачон бирга-
ликда тановул қилманг. Ёнғоқни қуруқ
мевалар (майиз, бодом, кабилар) билан
тановул қилинг.

Қонингиз кам бўлса, ҳар куни қизил
лавлагидан пишириб тановул қилинг. Ку-
нига ярим қадоғи етарлидир. У қонингиз-
ни ҳам тозалайди.

Газета, китоб қоғозларига овқат, нон
ўраш зарар, унда кўрғошин моддаси бор.

Совуқ сув ичгандан кўра яхна чой ич-
ган маъқул, чунки совуқ сувда касаллик
туғдирувчи зараркунандалар сероб бўла-
ди.

Бир қанча касалликларда, масалан,
ўпка силида қор, ёмғир сувларидан чой
дамлаб ичиш фойдалидир.

Беҳи уруғини янчиб истеъмол қилиш
юрак хасталиғига даво.

Соппа-соғ одам ҳам ҳар йили ўзини
офтобга товласа янада соғлом бўлади.

Инсон жигари 4 нарсани хуш кўради:
хом карам, пишлоқ, қаттиқ нон ва асални.

Ўсимлик ёғида пиширилган овқатлар
соғлиққа кони фойда.

Овқатни еб туриб китоб ўқиш ошқо-
зонга зарар.

Ётиш олдидан сабзи истеъмол қилиш
соғлиққа фойдали.

Қора ва оқ нонни алоҳида-алоҳида
сақланг.

Табобат қондаси бўйича полиз маҳсу-
лотлари нонсиз истеъмол қилинади.

Етилиб пишган бодринг уруғида оқ
“сут” бўлади. Уни яхши чайнаб истеъмол
қилинса, буйракни ювади, даволайди.

Қон босими бор, қанд касали бор одам-
лар меъёрида қалампир (гаримдори) ис-
теъмол қилиши керак.

Помидор юрак фаолиятини яхшила-
ди.

Сумалак хафақон, қанд хасталикля-
рини даволашда асосий дорилар қатори-
га киради.

Тўпловчи Д. Жўраева

ФУТБОЛ ФАЙЛАСУФЛАРИ

ЁХУД СПОРТ ҚОМУСИДАН ПАРЧАЛАР



ЯХШИ ТАКТИКА

Аргентина биринчилигида иштирок этадиган "Барика" клуби ҳимоячиси Роберто Васкес мавсумга старт берилганидан сўнг, ўз дарвозасига етти ўйинда етти автогол киритиб қўйди. Бундай пайтда ўйинчиларнинг тақдири нима билан якунланишини кўпчилик яхши билса керак. Яъни, уларни заҳирага миҳлаб ташлашади ёки... Лекин жамоа бош мураббийи Эрнандо Агарре аксинча иш тутди. Яъни, тўп киритиш қобилияти жўш урган ҳимоячи дарҳол ҳужум чизигига ўтказилди.

СИЗГА ЎЗИ НИМА КЕРАК?

2003 йилда Фарер ороллари термаси устидан зўрға 2:0 ҳисобида устун келган Германия терма жамоаси ўйинчиси Фреди Бобич баҳс якунлангач, журналистлар билан мулоқотда бўлди. Мухбир савол бериш жараёнида Германия термаси бу сафарги учрашувда жуда ёмон ўйин кўрсатганини айтади. Бундан жаҳли чиққан Фреди:

— Наҳот ғалабамиз сизга ёқмаган бўлса? Нега энди бу сизнинг немисча миянгизга сиғмайди?— дея жаҳл қилди.

ХОККЕЙ

Хоккей ўйинининг кашф қилиниши 1879 йил деб қаралади. Канаданинг Монреал университети талабаси Робертсон кичкина резинка тўпни музда бошқариш қийин бўлгани учун иккала четини қисиб ташлаб, шайбани ихтиро қилади. Ўша йилнинг ўзида Монреал университети талабалари хоккей ўйини қонун-қоидаларини тузишган. 1890 йилда эса чех ҳаваскор атлетчилар уюшмаси Прагада биринчи марта ушбу қоидаларни чоп эттиришган.

Қоидага муофиқ дарвозабоннинг қўлқопдаги муҳофаза қалқонининг эни 20,3; узунаси эса 40,6 см.дан ортиб кетмаслиги шарт. Оёқларидаги қалқонлар эса 25 см. Хоккей шайбасининг оғирлиги 156-170 грамм бўлиб, айланаси 7,62 см., қалинлиги эса 2,5 см. бўлади.

"ТИЛШУНОС" МУРАББИЙ

Италиялик машҳур мураббий Жованни Трапаттони Германиянинг "Бавария" клубида ишлаётган маҳалда немис тилига зид бўлган "немисча ибора"ни "кашф" қилган эди. Немисча "Дуден" изоҳли луғатига ўша "ноёб топилма" ҳам киритилгани кўпчиликни ажаблантирди. Гап шундаки, Трапаттони немис тилини



аранг билгани учун сўзлашув давомида "in habe fertig" иборасини ишлатган. Бу услуб немис тили грамматикаси қоидаларига хилофдир. Яъни, қоидага кўра, иборадаги "habe" (менда бор) феъли ўрнига "bin" боғловчисини ишлатиш лозим эди. Шундагина "ih bin fertig" — "мен тайёр" ибораси пайдо бўларди. Италиян мутахассиси бўлса, "ih habe fertig" — "менда бор тайёр", деган маъноси бузилган жумлани ишлатган. Бора-бора ушбу ибора омма орасида тарқалиши сабаб изоҳли луғат таркибига ҳам киритилди. Луғатда ушбу иборага шундай изоҳ берилган: "Немис тилига четдан киритилган грамматик жиҳатдан нотўғри неологизм".

ФУТБОЛ ФАЛСАФАСИ

"Фаолиятни қувватдан қолаётган ва ночор аҳволда эмас, балки энг юксак чўққида тугатиш керак. Шунда сени навқирон футболчи сифатида эслаб қоладилар" (Дондино).

"Мен "Иккинчи Пеле" эмас, балки "Биринчи Марадона" ман" (Диего Армандо Марадона).

Рим папаси ва Пеле биргалиқда тушган сурат тагидаги ёзув: "Қирол ўз мухлиси билан".

"Агар бизни инглиз фанатлари сингари мухлисларимиз бўлганида эди, тахминан 15 марта жаҳон чемпиони бўлардик" (Пеле)



Ҳамза Ёқубов

Инглиз тилидан битирув имтиҳони.
 —Навбатдаги.
 —Мен.
 —Ду ю спик инглиш?
 —Нима?
 —Икки. Навбатдаги. Ду ю спик инглиш?
 —Yes? I do.
 —Нима?

—Курткани еч.
 —Менга-ку фарқи йўқ, фақат курткам целофандан.
 Ушлаб кўришса ростдан ҳам целофандан.
 —Унда шимни еч.
 —У қоғоздан-да.

Нима учундир йўлда машиналар қатнови кам. Балки йўл яхмалак бўлгани сабаблими, хуллас йўлда автобусларгина серқатнов. Давлат автомобиль назорати ходими узоқдан келаётган автобусни тўхтатди. Ҳайдовчи ҳайрон, автобусчи тўла одамни ташлаб тушди-да, назоратчи олдига келди. Саломлашишди. Назоратчи гапни дангал қилиб ҳайдовчини спиртли ичимлик ичганликда айблади. Уни мастликни аниқлаш апаратыга яқин келиб, қойдани амалга оширишга мажбур қилди.

— Илтимос, ичмаган бўлсангиз ҳам апаратга яқин келиб “кух” денг.

— Хўп мана “кух-кух-кух”

— Ё тавба, апарат ишламаяпти.

Навбатчи апаратнинг у ер бу ерига уриб кетди. Ниҳоят ўзи текшириш учун бир бора “кух” деди. Ҳайрият апарат ишлаб кетди.

Мақтаб директори:
 —Ўғлингиз мактабни битиргач нима қилмоқ-чи?
 — Агар ҳозиргидай ўқийдиган бўлса, мактабни битиргач тўғридан-тўғри нафақага чиқади.

—Нима талабамисан?
 —Ҳа.
 —Вася унга юзталиқ бер, тезроқ кетайлик бу ердан.

Талаба имтиҳондан чиқибди. Шунда оғайнилари:
 — Хўш топширдингми?
 — Менимча, ҳа.
 — Нимани сўради ўзи?
 — Мен қаердан билай, у инглизча гапирди.

Ўқитувчи:
 —Вова нима учун иншонгдан жуда кўп бўш жой қолдиргансан?
 —Буми, Мария Ивановна, реклама учун.


Ўғил отасидан сўраяпти:
 — Дада, сизнинг миянгиз қандай ишлайди?
 — Бўлди қил ўғлим, менда унақа нарса йўқ.

Икки оғайни 160 км. тезликда машинада кетишяпти.
 — Мана бунга тезлик деса бўлади! Агар филдирагинг отилиб кетса нима қиласан?
 — Хавотир олма, ошна, юкхонада заҳираси бор!

Бир киши югурганча келиб таксига ўтирди.
 Таксичи:
 — Хўш, қаерга борамиз?
 — Сенга нима, аҳмоқ!

Қиз денгизчидан сўради:
 — Денгиз чиройли бўлса керак-а?
 — Кечирасиз хоним, мен денгизни кўрмаганман. Тўғрироғи, сув остида хизмат қиламан.

UCHINCHI O'LCHAMGA SAY HAT



Кўриб турганингиз ушбу тасвирдаги кўз илғаши қийин бўлган шаклларга қараб, унинг нималигини англаёлмай хуноб бўляпсиз, тўғрими? Аммо ортиқча дилхираликка ҳожат йўқ. Негаки, ҳаёт чангалзорларининг ичида жаннатий гўзаллик тажассумини излаб топишга ҳаракат қилиб сарфлаётган чексиз қувватингизнинг арзимас бўлагини жалб қилсангиз, ушбу тасвирдан ҳам бирор маъно топа оласиз. Ҳақиқий гўзаллик эса, албатта, мазмундадир. Куйидаги кўрсатмалар Сизга бу борада баҳоли қудрат кўмак бўлади деган умиддамиз.

Расмни кўзингизга 2-2,5 сантиметр масофада тутиб туринг. Тасвирнинг марказига бўшлиққа қарагандек қарашга ҳаракат қилинг. Расм юзидаги ранглар тамомила чаплашиб, ягона ранг ҳосил бўлади. Кўзингиз бу рангга мослашиб улгургач, тасвирни аста-секинлик билан кўзингизда узоқлаштиринг. Расм юзида ўзгаришлар содир бўлиб, уч ўлчамли шакл тасвири гавдаланади. Унутманг, расмни аста-секинлик билан кўзингиздан узоқлаштиринг. Яна ёдда тутингки, расм юзидаги ранглар тамомила чаплашмас экан яширин тасвирни кўра олмайсиз. Тасвирни кўришга қийналсангиз, ушбу услубни икки-уч маротаба такрорланг.



Ушбу тасвирни кўриш инсон саломатлигига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, учинчи ўлчамга саёҳат мияга дам беради, асабларни тинчлантиради ва кўриш қобилиятини оширади.

